

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) умматга Ислоннинг икки улуғ байрами хабарини берганлар: “Аллоҳ таоло сизлар нишонлайдиган бу (жоҳилиятдан қолган) икки байрам ўрнига янада хайрлироғини — Рамазон ва Қурбон байрамларини ҳаёти эди” (*Абу Довуд ривояти*). Юртимиз мусулмонлари ҳам бу икки ҳайит-ни файзли, шуқуҳли кун сифатида кенг нишонлайдилар. Мамлакат президенти фармонига кўра “Ийд ал-фитр”, “Ийд ал-адҳа” байрамларини дам олиш кунига айлантирилгани ҳам

санд қилиш мусулмонларнинг энг яхши фазилатларидандир.

Меҳр-мурувват йилида айниқса бу фазилатлар янада ардоқли, янада аҳамиятли бўлиши табиий. Зотан, Рамазон ҳайити кунлари муҳтожлар, фақир-мискинлар ҳолидан хабардор бўлиш, бойлиги нисобга етганларнинг закотларини ҳақдорларига ато этишлари, молларидан инфоқ-эҳсон қилишлари ва бунинг эвазига Аллоҳ таолонинг ажр-

қўшнисини оч қўймайди” (*Имом Аҳмад ривояти*).

Яшириб нима қилайлик, Аллоҳнинг амр-фармонларидан, Расулунинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кўрсатмаларидан че-

ҲАЙИТ ХУРСАНДЧИЛИК БАЙРАМИДИР

уларга ўзгача мазмун бахш этди. Ҳар икки ҳайитни нишонлаш юзасидан ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори эълон қилинади.

Бу йилги Рамазон ҳайитини мусулмонларимиз бир ой мобайнида Аллоҳ фарз қилган рўзаларини комил суратда тутиш, Қуръони карим тиловати, илмий мажлислар, дуо ва ибодатлар, хайру саховатлар билан қаршиладилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) суннатларига мувофиқ байрам кунларида мўминлик ахлоқига хос бўлган мусулмонлар билан саломлашиш, дийдорлашиш, бир-бирларини кутлаш, меҳр-оқибат ва саховат кўрсатиш каби фазилатлар ёрқинроқ намоён бўлади. Рамазон ҳайити кунлари қариндош-уруғларни, ёр-биродарларни, устозларни зиёрат қилиш, ҳол-аҳвол сўраш, оналарни хур-

муқотларига сазовор бўлишлари ҳам Рамазон ҳайити ҳикматларини янада бўрттириб кўрсатади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат этади: **“Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурда улуғ ажр бордир”** (*Бақара, 262*); **“(Эй Мухаммад,) қавми қариндошга, мискин ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) уларнинг ҳақларини ато этинг ва исрофга йўл қўйманг!”** (*Ал-Исро, 26*).

Расули акрамдан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кишиларга хайру саховат кўрсатиш бобида ўнлаб ҳадиси шариф ворид бўлган: **“Бир-бирларингиздан алоқангизни узманг, бир-бирларингиздан юз ўтирманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг, Аллоҳнинг яхши оға-ини бандаларидан бўлинг”** (*Имом Термизий ривояти*); **“Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қариндошлари билан алоқани боғласин”**

(*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*); **“Мўмин киши ўзи тўқ бўла туриб,**

киниланган жойларда ҳайит кунларида шариатимизда бўлмаган исрофгарчиликка сабаб бўладиган турли маросимлар ўтказиш ёмон анъанага айланиб қолган. Яқинлари вафот этган хонадонлардаги, никоҳ тўйлари ўтган оилалардаги “янги ҳайит”, “ҳайит йўқлови” каби маросимлар бидъатдан бошқа нарса эмас. Бу ҳақда аввалроқ Ўзбекистон Мусулмонлари идораси алоҳида фатво чиқаргани ҳам маълум. Ана шундай исрофгарчиликлар, хурсандчилик байрамини аза ва йиғи-сиғига айлантиришлар мусулмонларга муносиб эмас. Унга кетадиган маблағларни ва неъматларни муҳтожларга, фақир-мискинларга, етим-есир, бевабечораларга тарқатишдан хайрлироқ иш бўлмаса керак!

Рамазон ҳайити — мусулмонларнинг шод-хуррамлик, кўнгул олиш, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатиш, бир-бирлари билан дийдорлашув байрамларидир. Уни шариат талабларига мувофиқ, йиғи-сиғисиз, хурсандчилик билан, хуш кайфиятда ўтказиш мусулмонга ярашиқли ва мақталган амаллардандир.

Ийд ал-фитр байрамингиз муборак бўлсин!

МУНДАРИЖА

<i>Ҳайитингиз муборак!</i> Хурсандчилик байрами	1
Рамазон ойида	5
<i>Мактубларда манзаралар</i> Мени нима йиғлатди?	10
<i>Амри маъруф</i> Дилфуза МУҲИДДИНОВА Қуръон ва ҳадисда аёллар ҳуқуқи	12
<i>Тафаккур</i> Алоуддин БАШАР Севги нима?	14
<i>Устозларимиз</i> Абдуҳаким қори ВОСЕЪ ўғли Дунё ва охират чораҳасида	18
<i>Футухот қомусидан</i> Ситсилияда Бухорий қишлоғи	20
<i>Меҳр-мурувват йили</i> РАЙҲОНА Шафқат дарёси	21
<i>Ахлоқ</i> Овқатланиш одоби	23
<i>Шеърият</i> Саид Наби ҳожи ВОҚИФ Яхши ота оила кўргонидир	24
Дилором АБДУРАҲМОН Шом нафасин тинглайман	25
Ҳайруллоҳ ҚОСИМ Умр ойнасига боқиб	25
<i>Ҳайитингиз муборак!</i> Рамазон байрами	26
<i>Хотира</i> Муҳтарама УЛУҒОВА Шундай инсонлар ўтган	28
<i>Рангин туйғулар</i> Сурайё ЗОҲИР Сабр азоби	29
<i>Таваллудининг 600 йиллиги</i> Ботурхон ВАЛИХҲАЕВ Хожа Аҳрор Валий	30
<i>Масжидларимиз</i> Дунёда масжид, охиратда қаср	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Масала

4

ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИ

Ҳайит намозларига бундай ният қилинади: “Шу вақтда вожиб бўлган рўза (қурбон) ҳайити намозини барча такбирлари билан, ушбу имомга иқтидо қилиб, юзимни Каъбанинг бир тарафига қаратиб, холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим”.



Илм масканларида

6

ЖАННАТ ЙЎЛИ



Яқинда ҳам яна икки-та араб алифбосидаги компютер олинди. Қуръон, тафсири ва ҳадис илмини талабалар компютер орқали ўрганишмоқда. Ҳар бир мадрасада таълимнинг бир йўналишига алоҳида эътибор қаратилганидек, биз талабаларга араб тили сарфини чуқурроқ ўргатишга ҳаракат қилияпмиз.

Хабарлар

8

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Мақтабларда Қуръон ўргатилади

Дания Маориф вазирлиги келгилги ўқув йилидан (2005-2006) ўрта мактаб ўқувчилари ўқув режасига кўра Қуръонни ўрганишлари мумкинлигини маълум қилди. Қуръон билан бирга араб тилидан ҳам дарс ўтилади.



Рамазон байрами муборак!

16

ИСЛОМ ОЛАМИДА РАМАЗОН

Рамазон ҳилоли кўринган лаҳзада йигирма бир марта тўп отиб, рўза ойи киргани маълум қилинади. Кўча, томларни тўлдирган болалар илоҳий қўшиқлар айтадилар, дўмбира чалиб севинчларини изҳор этадилар. Тўп овозини эшитган катталар кўчага чиқиб, байрам билан бир-бирларини табриклашади.



Ҳидоят топганлар

22

АБУ БАКР ЛИ ИСЛОМНИ ТАНЛАДИ

“Инсон нега дунёга келган, нима учун яшайди, нега ҳамма бир кун ўлади, кейин нима бўлади?” деган саволлар тинчлик бермасди. Янги очилган масжидларга одамларнинг оқиб келаётганини кўриб, танишлардан Ислоннинг охирги ва ҳақ дин эканини эшитиб, мен ҳам мусулмон бўлишга қатъий қарор бердим.



Насиҳат

27

ҚАНДАЙ ҚИЛСАК, ЯХШИЛАРДАН БЎЛАМИЗ?

Парвардигорингни унга муносиб тарзда улуғла. Раббинг сени қайтарган ўринларда сени кўришидан ва сенга буюрган ўринларда сени топмаслигидан сақлан.



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек ОБИДЖОН
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад ТУРСУН
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матнни
Райҳона ХОЛБЕК қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
руйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 29 ўктябрда рухсат берилди.
Босмахонага 2004 йил 9 нўябрда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 7000 нусха. ___ -
сон буюртма. «RUTA-PRINT» қ.к.да босилди.
Манзили: Тошкент—700052, И. Аҳмад к., 8-уй.
Интернет почтаимиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

Хайит намозлари иккитадир: бири Рамазон ҳайитида, иккинчиси қурбон ҳайитида ўқилади. Ҳайит намозлари жума намози фарз бўлган кишиларга вожибдир. Икки ҳайит намози ҳам бир хил тартибда адо этилади. Ҳайит намозларини қуёш икки найза баландлигида кўтарилганидан сўнг заволгача ўқиш мумкин. Ҳайит намозини ўқишга (жамоатга) улгурмаган киши бир ўзи ўқимайди. Рўза ҳайити куни узр бўлиб, жамоат уни ўқиёлмаса, эртасига ўқиш жоиз. Қурбон ҳайити

Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим”. Сўнг такбири таҳрима айтилади. Ва қўллар боғланиб, киндик остида тугилади. Сўнг имом э ш и т т и р и б (қавм ичларида) уч бор такбир (“Аллоҳу акбар”) айтади. Ҳар такбирда қўллар қулоқлар тўғрисида кўтарилди. Такбирлар орасида



Икки ҳайит намозига гусл қилиб, энг яхши кийимларини кийиб, хушбўй бўлиб бориш

ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИ

намози ҳайит куни ўқилмаса, кейинги икки кунда ўқилиши мумкин.

Ҳайит намозлари икки ракат вожиб намоз бўлиб, қуйидагича тартибда ўқилади.

Жамоат намоз ўқишга ҳозир бўлиб, саф тортиганидан сўнг ҳайит намози ўқишга ният қилинади. (Ҳайит намозлари учун иқомат айтилмайди). Ҳайит намозларининг нияти: “Шу вақтда вожиб бўлган рўза (қурбон) ҳайити намозини барча такбирлари билан, ушбу имомга иқтидо қилиб, юзимни Каъбанинг бир тарафига қаратиб, холис

қўллар боғланмайди, ёнда тугилади. Бу ҳолда уч бор такбир айтилгач, қўллар боғланади. Сўнг имом эшиттириб қироат қилади. Қавм жим эшитади. Қироатдан сўнг руку ва сужуд қилиниб, иккинчи ракатга турилади. Иккинчи ракатда имом қироатни тугатганидан сўнг, рукудан олдин, биринчи ракатда айтилгандек уч бор такбир айтилади. Ва яна тўртинчи такбир айтилиб, рукуга борилади ва сажда қилинади. Саждадан сўнг ўтириб ташаҳхуд, саловот ва дуо ўқиб, салом берилади.

Саломдан сўнг имом мин-барга чиқиб, икки хутба ўқийди. Имом биринчи хутбани кетма-кет тўққиз такбир, иккинчи хутбани етти такбир айтиб бошлаши ва иккинчи хутбани ўн тўрт такбир айтиб тугатиши мустаҳабдир.

суннатдир. Рўза ҳайити намозини адо қилишга боришдан олдин бирор нарса еб олиш суннат бўлади. Қурбон ҳайити намозини ўқиб бўлгунча эса, ҳеч нарса емаслик суннатдир. Қурбон ҳайити намозини ўқишга боришда йўлда овоз чиқариб такбири ташриқ айтилади.

Такбири ташриқ будир:

“Аллоҳу акбар. Аллоҳу акбар. Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд”.

Такбири ташриқ айтиш вожибдир. Уни айтиш Қурбон ҳайитининг арафа кунидан бошланиб, (яъни, Зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни бомдоднинг фарз намозидан сўнг), ўн учинчи куни аср намозининг фарзидан сўнг тугатилади. Ҳаммаси бўлиб, йигирма уч фарз намозидан сўнг такбири ташриқ айтилади.

Муҳаммадшариф ЖУМАН
тайёрлади



РАМАЗОН ОЙИДА...

* * *

Милодий 610 йили, ҳазрати Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қирқ ёшларида Рамазоннинг Қадр кечасида Макка яқинидаги Ҳиро ғорида илк ваҳий — Қуръони каримнинг Алақ сурасидан дастлабки беш оят нозил бўлди.

* * *

Рамазони шарифда ҳазрати Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маъбус (пайғамбарлик) мақоми берилди.

* * *

Ҳижрий 2 йили Расули ақрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лашкарларининг мушрикларга қарши олиб борган ва унда мусулмонлар ғалаба қозонган илк қонли кураши — Катта Бадр ғазоти бўлди.

* * *

Шу йили Рамазон рўзасини тутиш ва закот бериш фарз қилинди.

* * *

Йигирма йил давом этган мўминлар ва мушриклар тўқнашувига чек қўйган Макка фатҳи бўлди. Расулulloҳ (соллал-

лоҳу алайҳи ва саллам) ҳижратнинг 8-йили Рамазон ойининг йигирманчи куни ўн икки минг кишилиқ муаззам қўшин ила бутпарастлик марказига айланиб қолган Маккага кириб бордилар. Жума куни инсоният тарихида буюк воқеа содир бўлди — Каъбатуллоҳдан ширк, ботил рамзи бўлган бутлар бутунлай йўқотилди.

* * *

Саҳиҳ ҳадисларда келтирилишича, жаноб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) то Рамазон ойи тугагунча кечалари ҳазрати Жаброил, алайҳиссалом, билан учрашиб, Қуръони каримни тиловат қилиб берар, шу тарзда ўзларини имтиҳон қилдирар эдилар.

* * *

Раҳмат ва мағфират, буюк зафарлар ойи бўлган Рамазонда фожеали бир ҳодиса ҳам юз берган. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакиваччалари ва куёвлари, хулафои ро-



шидиннинг тўртинчиси Ҳазрати Али ибн Абу Толиб ҳижрий 40-йилнинг Рамазонида бомдод намозига кетаётганида Ибн Мулжам томонидан пичоқланиб, шаҳид этилган.

* * *

Византия императорлиги мусулмон салжуқийлар томонидан мағлуб этилган Малазгирт жанги бўлди.





Қуръон, тафсир ва ҳадис илмини талабалар компютер орқали ўрганишмоқда. Ҳар бир мадрасада диний таълимнинг бир йўналишига алоҳида эътибор қаратилганидек, биз талабаларга араб тили сарф фанини чуқурроқ ўргатишга ҳаркат қилияпмиз.

Шуҳбасиз, бошқа дунёвий илмларни ўргатишга эътибор ҳам бундан кам эмас. Масалан,

ЖАННАТ ЙЎЛИ

Илм йўлидан юриш қийин, лекин шарафли, саодатманд иш. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким илм исташ йўлида қадам қўйса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилади...” деб марҳамат қилганлар. Китоб шаҳар Хожа Бухорий номидаги Исломиёт-махсус билим юрти мудири ҳожи Элмурод Очилов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.



— Мадрасамизга буюк аллома Саид Аҳмад Қулоҳдўз Хожа Бухорийнинг номлари қўйилган. Бу зот Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига замондош, ул зотнинг қариндошларидан бўлганлар. Нақшбандийа тариқатини тарғиб этиш учун Китоб шаҳрига ташриф буюрадилар ва шу ерда истиқомат қилиб қоладилар.

Билим юртимиз 1992 йил 2 сентабрда фаолият бошлаган. Ҳозиргача нафақат теварак-атрофдан, балки бошқа вилоятлардан ҳам илм талабида келган беш юз нафардан ортиқ талабалар мадрасамизда таълим-тарбия олишди, олишмоқда.

Билим юртимизда устозларнинг энг биринчи мақсади мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қиладиган, маънан етук, қўнгли соф, Исломиёт динимизни мукамал ўзлаштирган, ватанига содиқ, халқига меҳр-муҳаббатли зиёлиларни етиштириб беришдир. Битирганлар имомхатиблик қилишлари, одобнома ва араб тилидан дарс беришлари мумкин.

— **Бунинг учун қандай шароитлар яратилган?**

— Шароитларимиз йилдан-йилга яхшиланаяпти. Янги ўқув йили арафасида яна иккита араб алифбосидаги компютер олинди, синф хоналаридаги қарийб барча жиҳозлар янгиланди.

талабаларимиз астрономия фанини фан номзоди Эсон Раҳматов устозлигида Китоб расадхонасига бориб ўрганишади. Шунингдек, Аҳмаджон Бойқобилов, Шукруллоҳ Умаров, Раҳматуллоҳ Усмонов, Махтумқули Тошқулов, Ўктамхон Маҳмудов, Абдуғани Бозоров сингари фидойи ва билимдон мударрисларимизнинг илмни юқтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор.

— **Бир донишманд илм ҳақиқатга хизмат қилади, тирикчиликни ўтказиш учун бошқа бир ҳунар эгаллаш керак, деган экан.**

— Тўғри айтган. Биз ҳам имкон қадар талабаларнинг қизи-



қиш ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, турли касб-ҳунарларни ўргатмоқдамиз. Қизлар каштачилик, тикувчилик ва тўкувчиликни, ўғил болалар эса дуррадгорлик, саргарошлик, этикдўзликни бу касбларнинг моҳир усталаридан ўрганишмоқда.

мойиллик қонимизда бор. Бехудага ота-боболаримиз мард ва соғлом бўлиш учун ҳар хил беллашувларга иштиёқманд бўлишмаган. Бунда бир ҳикмат, ўз қадриятларимизга ҳурмат ва яқинлик мужассам. Бу борада талабаларимизнинг натижалари ҳам

маърифий ишлар диққат марказимизда туради. Мударрис ва талабаларимиз туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда маънавиятга оид энг муҳим мавзуларда суҳбат ва учрашув-



Қолаверса, талабалар бу даврда меҳнатсеварлик кўникмасини ҳосил қилишса, деймиз.

— **Билим юртида хотин-қизлар ҳам ўқийдими?**

— Ҳа. Билим юрти ташкил қилинганидан буён аёл-қизлар гуруҳи фаолият кўрсатади. Уни муваффақиятли тугаллаган 108 нафар шогирдимиз туман хотин-қизлар кўмиталарида, мактаб ва маҳалла кенгашларида алоҳида жонкуярлик билан фаолият олиб бораптилар.

— **Ҳақ йўлни топган, тирикчилигини ҳалол касб-кор орқасида ўтказадиган инсон шунга яраша жисмонан чиниққан бўлиши керак. Билим юртида талабаларнинг жисмоний чиниқиши учун нима ишлар қилиняпти?**

— Чиниқишнинг синалган йўли — спорт билан мунтазам шуғулланишдир. Соғлом бўлиш учун ҳам бу жуда зарур. Биз миллий спорт турлари, ўйинларига талабаларимизни кўпроқ қизиқтиряпмиз. Ёвқур, чапдастликка

чакки эмас. Билим юрти йигитлари “Баркамол авлод” республика танловида кураш бўйича уч йилдан буён биринчи ўринни эгаллаб келади. Бунда полвонимиз Мансур Кароматовнинг алоҳида ҳиссаси бор.

— **Адашган, меҳрсиз баъзи ёшларнинг хатти-ҳаракати, гапсўзлари кишини оғир ўйларга толдиради. Бу нохушликларнинг илдизи қаерда? Умуман, ёшларни ғоявий адашувлардан муҳофаза қилиш мумкин, деб ўйлайсизми?**

— Менимча, бундай ёшлар маънавиятсизлик меваси. Қаерда, мафкура бўш, динга, маънавиятга эътибор суст бўлса, ахлоқ-одоб, тарбия биринчи ўринда бўлмаса, адашган, нодон ва бузғунчи кимсалар кўпайиш хавфи кузатилган. Шу боис болалик ва ўспиринликдан ёш авлод юрагига маънавият уруғларини қадаш, фарз амалларимиздан бўлиши керак.

Билим юртида маънавий-

ларни фақат мадрасадагина эмас, балки жамоат жойларида ҳам уюштириб келадилар. Бундан ташқари, Шаҳрисабз телевидениеси билан ҳамкорликда тайёрланаётган «Камолот сари» туркум кўрсатувлари ҳам маънавиятнинг устувор бўлишида кўпчиликда яхши таассурот қолдириб, элга фойдаси тегмоқда.

— **Муаммоларингиз ҳам борми?**

— Йўқ эмас, Масалан, талабаларимизга ётоқхона етишмайди... Сўзим сўнггида интилувчан ёшларга қарата дилимнинг энг тўридаги ниятни изҳор этмоқчиман: диний ва дунё илмларини қунт ва ихлос билан ўрганишлар. Илм талаб қилишлар. Гўзал оқибат сизники бўлажак, иншааллоҳ.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

суҳбатлашди.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Жазоир тузатишларга қарши



Исломий ташкилотлар ва Жазоирнинг таниқли мусулмон арбоблари мамлакат оила қонунига киритилиши кутилаётган тузатишларга қарши фикрларини билдиришди. Оилани ҳимоялаш миллий кўмитаси баёнотида Жазоир фуқароларини никоҳ тартибларини сақлаб қолиш учун барча чораларни кўришга чақирди.

Яқин келажакда Жазоир парламенти оила қонунга никоҳдаги васийликни бекор қилиш, аёлларни маҳрамсиз хорижга чиқишларига рухсат бериш каби ўзгартиришлар киритишни режаллаган.

Islam On Line

Парламент депутатлари бўлишди



Франсанинг икки араб фуқароси, яшиллар партияси вакили Олима Бумеден Терий ва сотсалистлардан Бариза Хиари франсуз куйи палатаси аъзоси бўлишди.

Қирқ етти ёшли Бумеден доимо мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиб келади. У Франса давлат ўқув муассасаларига рўмол билан келишни тақиқловчи қонунга биринчилардан бўлиб қарши чиққанлардан эди. Оврупа парламенти аъзоси сифатида Исроилнинг фаластинликларга нисбатан юритаётган сиёсатини бойқот қилиш ҳақида овруиттифоқ қарори лойиҳасини ўртага ташлаган.

Ингушетия. Ру

Швед луғатида янги сўз

Эндиликда “ҳалол” сўзи қисқа изоҳ билан бир қанча швед луғатларига киритилди. Ушбу сўзга швед тилида: “исломий қонун-қоидаларга уйғун, мусулмонлар учун рухсат этилган озиқ-овқат ва ичимликлар”, деб изоҳ берилган.

Шветсадаги йирик шаҳарлар дўконларида маҳсус ҳалол маҳсулотлар пештахталари бор. Жанубий туманлардаги унча катта бўлмаган дўконларда бундай маҳсулотлар сотилади. Ярим милён мусулмоннинг эҳтиёжини қондириш учун Шветсанинг ўндан ортиқ етакчи ширкатлари шариат талабига жавоб берадиган гўшт маҳсулотлари сотувини кўпайтиришди. Кўплаб йирик дўконларда сотувчи-маслаҳатчилар ҳеч иккиланишсиз ҳалол маҳсулотлар бўлимини кўрсатиб беришади.

Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим ширкатлар Шветса ва бошқа мамлакатлардаги ҳалол гўштга бўлган талабдан ғаразли мақсадда фойдаланиб, ношаръий гўштни ҳалол деб сотишмоқда. Катта супермаркетлардан муддати ўтган гўшт маҳсулотларини ярим баҳосига сотиб олиб, “ҳалол” белгиси билан сотувга чиқаришмоқда.

Islam On Line

Мактабларда Қуръон ўргатилади

Дания Маориф вазирлиги кейинги (2005-2006) ўқув йилидан ўрта мактаб ўқувчилари Қуръонни ўрганишлари мумкинлигини маълум қилди. Қуръон билан бирга араб тилидан ҳам дарс ўтилади.

Улли Тоернасинг айтишича, мамлакатда Ислом динига қизиқиш ортиб бораётган бир пайтда Қуръонни ўрганиш данияликларга Ислом дини билан яқиндан танишиш имконини беради. Мактаб дастурларига Ислом дини дарсларини киритиш яхши ниятларга ишоратдир. Мусулмонлар уюшмаси бу ташаббусни иштиёқ билан кутиб олди. Лекин ўнг сотсалист халқ партияси қарши қарашларини баён қилиб, ҳукумат киритган янгиликни танқид остига олди.

Шветса ўрта таълим мактабларида Ислом динини ўргатиш ишлари бошлаб юборилган. Финланда ва Норвегада ҳам ихтиёрий равишда Ислом дини ва араб маданияти билан танишиш учун имкониятлар кенг. Дания ҳам ўқув дастурларига Қуръон ва араб тилини ўргатишни киритиб, бошқа исқандинава давлатлари туган йўлдан бормоқда.

Мусулмонлар сон жиҳатидан Данияда иккинчи ўринда туради.

Islam On Line

Масжидлар кенгайтирилди



Айни дамда Маккаи мукар-рамадаги Масжидул Ҳаром-нинг майдони 356 минг кв. метрга етказилди. Бунга қадар унинг майдони 152 минг кв. метр эди. Қурилиш ишлари сентябр ойининг охирларида тугалланди.

Ислом динининг асосий масжидига энди бемалол 800 минг намозхон сиғиши мумкин. Қиёсланадиган бўлса, олдингига нисбатан 450 мингта ўринга кўпайган. Лойиҳага масжид атрофидаги майдонларни кенгайтириш ҳам киритилган.

Тахминан 65 минг кишига мўлжалланган бу майдоннинг умумий ҳажми 40 минг кв. метрни ташкил этади.

Эътиборлилиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Мадинадаги Масжиди Набавийа ҳам сўнгги кунларда кенгайтирилди. Эндиликда унинг майдони 165 минг кв. метрдан иборат. Масжид атрофидаги кўшимча майдонга эса 430 минг киши сиғадиган бўлди, 235 минг кв. метрга етди.

Масжидларни кенгайтириш ишига сўнгги йилларнинг ўзида Саудия Арабистони 70 миллиард риёл пул сарфлади.

Saudi Press

Юсуф Ислом таажжубда

Илгари Кэт Стивенс номи билан машҳур рок юлдузи бўлган британиялик таниқли мусулмон арбоб Юсуф Ислом Лондонга қайтганидан сўнг АҚШ ҳукуматининг хатти-ҳаракатидан жуда “ҳижолатда” қолганини билдирди. Қўшма Штатлар ҳудудига киритилмаслигини ҳукумат унинг “яширин террорист” ва “АҚШ миллий хавфсизлигига таҳдид” дея изоҳлади.

АҚШ ички хавфсизлик вазирлиги раиси Брайн Дойлнинг таъкидлашича, Юсуф Исломга бундай айблов қўйилишининг сабаби унинг исми “қора рўйхат”да тургани билан боғлиқ эмиш. Лекин раис рўйхатни қардан олганини тўлиқ асослаб беролмади.

Ўз навбатида Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Вашингтоннинг бу хатти-ҳаракатини танқид қилди.

Юсуф Исломнинг терроризмга қарши курашда фаол иштирок этгани ва бу борада ўзининг кескин фикрларини билдиргани ҳисобга олинса, собиқ кўшиқчига нисбатан бундай айблов қўйилиши қутилмаган ҳолдир.

International Herald Tribune

Исломнинг беш рамзий устуни

Ўрдун ҳукумати Қуддусдаги Ал-Ақсо масжидига бешинчи минора қурилишини маълум қилди. Ушбу ташаббус Исроил ҳукумати томонидан жиддий тўсиққа учрамадлигига етарли асос бор.

Ал-Ақсонинг таъмирлаш ишларига масъул Ўрдун давлат қурилиш қўмитаси бош президенти Раиф Нижамнинг айтишича, минора масжиднинг шарқий деворига тикланади. Исроил ҳокимияти ҳозирги лойиҳага эътироз билдиргани йўқ.

Ал-Ақсо аҳамияти жиҳатидан мусулмонлар учун учинчи муқаддас масжид ҳисобланади. Ўрдун вақф вазирлиги масжид атрофидаги беш минора Исломнинг беш устунининг рамзий ифодаси бўлишини билдирди.

CBS 2

Очиқ эшиклар куни



Ўктябр ойининг биринчи якшанбасида Манчестрдаги “Мадина” ва “Хизр” масжидларининг эшиклари очиб қўйилди. Масжидлар маъмурияти бу билан одамларга мусулмонлар ҳаёти ҳақида

кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини берди. “Хизр” масжиди раҳбари Ҳафиз Дин: “Ўтган йилги очиб эшиклар кунини юздан ортиқ киши келган эди”, дея таъкидлади. Унинг айтишича, Британия мусулмонлари одамларга Исломнинг ҳақиқий моҳиятини англатиш ва мусулмонлар ҳаётида масжиднинг аҳамиятини кўрсатиш учун масжидларни очиб қўйишни хоҳлашади.

Очиқ эшиклар кунини исломий адабиётлар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Келувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга Ислом ҳақидаги видеофилмларни томоша қилишди. Тадбирга келганларга таом ва исломий адабиётлар тарқатилди.

The Muslim News



Бир челақ сут билан

Мактабда ўқиб юрган кезларим Даштда деҳқончилик қиладиган еримиз бўларди. Ёз ойлари мол-ҳолларни ҳам ўша ёққа обориб қўярдик.

Серқатнов кўчага чиқиб, ўнга бурилишим керак. Унга эса тепаликдан тушиб борилади. Бу ерда тезлик билан юриш хавфли. Сабаби йўл серқатнов, катта тезликда бурилишнинг ўзи бўлмайди.

Ўша куни хаёлимни нималардир банд қилиб, тепаликдан тез тушиб юборибман. Бурилишга етгунча тезлигим янада ошиб кетди. Устига устак, олдимдан бир юк машинаси кесиб чиқа бошлади. Шундагина ҳушим ўзимга келиб, тормозни босиш кераклиги ёдимга тушди.

келтирилибди: “Ким илм исташ йўлида қадам қўйса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилади” (*Имом Муслим ривояти*). Ҳадисни ўқиб, кўзларимга тирқираб ёш келди. Ўзимни қанча тутишга уринмай, эплаёлмадим. Ёнимдаги ҳамроҳим ажабланиб, менга тикилиб қолди. Бир оз ўтгач, ўзимга келиб, йиғлаганим сабабини ҳамроҳимга изоҳладим:

— Ёшим етмишдан ошиб, Қуръонни тажвид билан ўқишни қийинчилик билан ўргандим. Шўро даврининг

МЕНИ НИМА ЙИҒЛАТДИ?

Бир йили соғин сигиримизни ҳам даштга қўйиб келдик. Сабаби, уйда мол боқиш, уларга ем-хашак топиш қийинлашиб кетди.

Шундан сўнг ҳар сафар борганимда сигирни ҳам ўзим соғиб келадиган бўлдим. Фақат, валасапидда бир челақ сут билан орқага қайтиш қийин эди.

Бир куни кутилмаган воқеа рўй берди. Эҳтимол бу воқеада ҳеч ғайритабиийлик йўқдир. Лекин мени бир жиҳати ҳайрон қолдирган, ҳануз хаёлимдан кўтарилмайди. Айниқса, ўша кунларда, ибодат қилишни бошлаганим боис...

Кун кеч бўлиб қолган эди. Одатдагидек, сут тўла челақни ўнг қўлимга олиб, валасапид рулини чап қўлда ушлаганча йўлга чиқдим. Қишлоғимиз пастлик томонда, валасапид ҳайдашда қийинчилик йўқ. Фақат ўнқирчўнқирларда сутни тўкиб юбормасам бўлгани.

Шиддат билан тепкини босдим. Бундай ҳолда валасапид шу ерда қолиб, ўзим олдинга учиб кетишим керак эди. Тамом бўлдим, деб ўйладим.

Ўзимга келиб қарасам, ҳамон валасапид устидаман. Ҳатто челақдаги сут ҳам тўкилмаган. Омон қолганимга ҳеч ақлим бовар қилмасди.

Яқинда Қуръондаги бир оятни ўқиб, ўша воқеа ёдимга тушди. Ўзимча, омон қолганим ҳикматини англадим.

“Унинг (яъни, ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни сақлаб муҳофаза қилиб турурлар” (Раъд, 11).

Беҳзод МУҲАММАДИЙ,
Риштон

Мени нима йиғлатди?

“Ҳидоят” журнали 9-сонини муқовасида шундай ҳадис

не-не газит-журналларию китобларини ўқибман-у, динимизга оид илмларни ўрганишга вақт ажратмай, умримни беҳуда совурибман. Кўзим нури кетиб, қулоқларим яхши эшитмай қолганида Аллоҳ таоло инсоф бериб, Қуръон, тажвид, ҳадис китобларини мутолаа қила бошладим...

Шунисига ҳам шукр қиламан. Кеч бўлса-да, шу бахтга муносиб кўрибди, алҳамдулиллаҳ. Фақат бир армон — куч-қувватга тўлган ёшлик йилларимда жаннат йўлини осон қилувчи бирорта қадам ташламаганим мени йиғлатади.

ХУДОЙҚУЛ ота,
Тошкент вилояти

Эрни эр қилган аёл

Ботир ҳайдовчининг биттагина ўглини шайтон йўлдан урди. Туппа-тузук талаба



мишларидан пушаймон бўлиб, тавба қилди. Эрни эр қилган бу аёл қишлоғимизнинг суюкли келинига айланди.

**Тожимуҳаммад
ТЎЛАН ўғли,
Тошлоқ**

ўқишни ташлаб, кўча сандироклайдиган бўлиб қолди. Ҳеч кимнинг насиҳатини қулоғига олмай қўйди.

Ниҳоят, унинг дардини билишди. Кўшни қишлоқдан бир қизни яхши кўриб қолган экан. Ота-она суриштиришди, қизнинг оила муҳити хуш келмай, бошқа бир қизга унаштиришди. Тўй ҳам ўтди. Аммо ўғил норози бўлиб, буткул ичкиликка берилди. Уйдан қадамини узди. Келиннинг савй-ҳаракатлари ҳам иш бермади. Ноилож отасиникига кетиб қолди.

Ниҳоят бу хонадонга ўғил хоҳлаган қиз келин бўлиб тушди. Ота-она, ўғлимиз шу билан инсофга кириб қолар, деб рози бўлишди. Умидлари саробга айланди. Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, дейишлари бежиз эмас экан. Бу хотин нафақат эрни, ҳатто қайнона-қайнотани ҳам менсимай қўйди. Оила шаънини оёқости қилди. Охиросқибат эр ўзи уни хонадондан ҳайдади. Ота-она қистови билан ўғил ва аввалги келин ярашдилар.

Бу келин эрининг инжиқ феълларига сабр қилди. Ортдан ҳаққига дуолар қилиб турди. Дуоларини Аллоҳ ижобат этди, шекилли, эри қил-

Тақвони унутмайлик

“Ҳидоят”нинг шу йилги 6-сонида чоп этилган “Ҳалокат кўлами” мақоласини ўқиб, чуқур ўйга толасан киши.

Аллоҳ таолонинг шаръий ҳукмларида, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадиси шарифларида биз бандалар учун қанчалар улуғ фойдалар бор. Афсуски, ақлимиз калталиги боис, уларни унутиб гоҳида ўзимизни ҳалокатга отамиз ёхуд жаҳолат ботқоғида яшаймиз. Оқибатда инсон зоти кўрмаган турли касалликларга гирифтор бўламиз. Шунда ҳам яна Аллоҳга исён қилиб, менинг нима айбим бор эди, шу аҳволга тушдим, дея нолиб яшаймиз.

Ҳолбуки, бор-йўғи бун-

дан қирқ-эллик йил илгари яшаб ўтган ота-боболаримиз асло бундай қилишмаган. Уруш туфайли юз берган қийинчилигу очарчиликлар ҳам уларни эгри қадам босишга, ҳаром луқма ейишга мажбур қила олмаган. Улар ҳатто Аллоҳ ҳаром қилган махлуқлар номини тилга олишдан ҳаё қилиб, тўнғизни “қорақийик”, итни форсийлаб “сак” дейишган.

Биз шундай мўминларнинг авлоди эмасмизми? Атрофда ҳалол егуликлар, кийим-кечаклар бўлатуриб, ҳаромга юз тутамиз. Чўчқа боқсанг жарақ-жарақ пул келади, деб ундан жирканмай боқамиз, терисидан тикилган кийимларни мақтаниб кийиб юрамиз.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) қўйни баракотли деб марҳамат қилганлар. Аммо баъзи хонадонларда “сердаромад экан” деб тўнғиз, ит боқилаётгани қандай ачинарли ҳол. Афсуски, бу ҳайвонларнинг зарари ҳақида ҳеч нима билгимиз ҳам, эшитгимиз ҳам келмайди. Бу феълимиз ҳам тақводан узоқлигимизнинг касри эмасмикан?

**Эрназар ТОПИЛОВ,
Оҳангарон**



ҚУРЪОН ВА ҲАДИСДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар аввало она-ларнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади. Жамиятимизнинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш мақсадида энг катта таянчимиз ва умидимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда мунис ва муштипар аёлларимиз, меҳрибон оналаримизнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.

“Жаннат оналар оёғи остидадир”, деган ҳадисдаёқ динимизнинг аёлга муносабати ифодасини топган. Шунга кўра Алишер Навоий ҳам:

“Оналарнинг оёғи остидадир,

Равзаи жаннату жинон боғи.

Равза боғи висолин истар эсанг,

Бўл онанинг оёғин туфроғи”, деб ёзганлар.

Ибн Сино, Форобий, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Улуғбекларни дунёга келтириб тарбиялаган момоларимиз ўзлари ҳам маънавий баркамол бўлганларига шубҳа йўқ. Демак, фақат маънавий баркамол ва диний эътиқоди мустаҳкам аёл, она ёш авлодни соғлом фикрлайдиган, Ватанни севиб уни ардоқлай оладиган даражада тарбиялашлари мумкин. Оилада имон-эътиқодли, ориятли этиб тарбияланган қиз ёки ўғил эл-юрт келажаги ҳақида қайғуради; бузгунчи гуруҳларнинг таъсирларига собит маънавияти билан қарши тура олади.

Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилдилар: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Барчангиз ўз қўл остингиздагиларга ҳомий ва масъулдурсизлар: амир ҳам ҳомийдир ва эр ўзининг хонадон аъзоларига ҳомийдир, хотин эса эрининг уйи ва унинг болаларига ҳомийдир”, дедилар.

Аёлларимизни исломий қадриятларнинг туб моҳиятини очиб берувчи суҳбатлардан баҳраманд этиб туриш уларнинг дунёқарашини янада бойи-тади. Аёл киши қаерда яшамасин, қайси даргоҳда ишламасин, аввало, у аёлдир. Аёлнинг энг буюк ва масъулиятли вазифаси эса, оналикдир.

Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг учта қизи ва синглиси бўлсаю уларни Аллоҳ беҳожат қилгунча таълим бериб, одоб ўргатса, улар ҳақида Аллоҳга тақво қилса, унга албатта жаннат бўлади”, деганлар. Саҳобалар баъзилари: “Иккита қиз ёки сингил бўлса-чи, эй Расулуллоҳ”, деб сўрашди. “Иккита қиз ёки сингил бўлса ҳам!” деб жавоб қилдилар.

Қизларнинг тарбияси, таълими ва яшаб, ўсиши учун зарур ҳар бир нарса ота зиммасидаги фарздир. Ота бу фарздан қиз турмушга чиққанидан кейингина озод бўлади. Отаси ёки эри йўқ аёлнинг нафақаси акага ёки унинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга вожиб бўлади. Умуман, Исломда аёл нафақасиз қолиши мумкин эмас. Қизнинг нафақаси отага, хотинники эрга, сингилники ака-укага, онанинг нафақаси эса ўғилга вожиб бўлади. Исломда аёллар ишлаб оила учун

пул топиш машаққатидан озод этилган, аксинча, нафақаланиши шарт қилиб қўйилган. Яъни, аёлларни маблағ билан таъминлаш эркаклар зиммасида. Оғир ишларни бажариш ҳам эркаклар елкасида бўлгани учун аёлларни ҳурматлаб, уларга ишлаш, пул топиш масъулияти юклатилмайди.

Ислом аёл кишига таълим олиш ва маданий савиясини ошириш ҳаққини берди ва эркакларни бу ишга масъул қилди. Айни чоқда аёлнинг таълим бериш, дарс айтиш ва бошқа илмий ишлар билан шуғулланишга ҳам ҳаққи бор.

Итфо бинти Абдуллоҳ ал-Адавиййдан (розийаллоҳу анҳо) қилинган ривоятда у киши қуйидагиларни айтадилар: “Ҳафсанинг олдида ўтирган эдим, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кириб қолиб, менга: “Сен бунга ҳуснихатни ўргатмайсанми?” дедилар”.

Ислом эркаклар қиладиган оғир ишларни аёллар зиммасига юкламаган. Аммо аёлларга хос баъзи ишларни эркакларга хос ишлар билан тенглаштириб, улар билан тенг ажр олиши айtilган. Масалан, аёлларнинг туғишлари эркакларнинг душманга қарши жанг қилишига тенглаштирилади.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ривоят этган ҳадисда зикр қилинишича, Асмоъ бинти Зайд ал-Ансориййа (розийаллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, мен ортимдаги муслима аёллар жамоасининг элчисиман. Улар менинг сўзимни айтадилар ва менинг фикримга ўхшаш фикрладилар. Албатта, Аллоҳ сизни эркак ва аёлларга юборган. Биз сизга имон келтирдик ва эргашидик. Биз аёллар жамоаси уйда тутилиб қолганмиз. Эркакларнинг хизматини қилувчи ва болаларини тарбия қилувчилармиз. Эркаклар жамоат ва жаноза намозларига ҳозир бўлиш ила афзал қилиндилар. Қачон улар жиҳодга чиқсалар, уларнинг молларини муҳофаза қиламиз, болаларини тарбия қиламиз, уларга ажрда шерик бўламизми?” деди.

Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак юзларини саҳобаларига ўтириб:

“Ўз дини ҳақида ушбу аёлдан кўра яхшироқ савол берган аёл гапини эшитганмисизлар?” дедилар.

“Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули”, дейишди.

“Эй Асмоъ, қайтиб ортингдаги аёлларга билдири, албатта аёлларнинг яхши эр тутиши, унинг розилигини исташи, мувофиқ бўлганига эргашиши сен зикр қилган нарсаларга тенг келади”, дедилар.

Исломгача аёл меросдан мутлақо маҳрум эди, эри ўлганида эса, уни мерос тариқасида эрнинг қариндошларидан бири олар эди. Ислом бу зolim ҳукмларни ботил этиб, аёлнинг ҳам меросдан насибаси борлигини эълон қилди.

“Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркак ва аёлларнинг насибаси бор. У оз бўлсин, кўп бўлсин — фарз қилинган насибадир”, деди.

Исломда давлат раҳбарини сайлаш ва унга итоатни эълон қилиш “байъат” дейилади. Қуръонда собитки, бундай энг муҳим сиёсий ҳақ эркаклар билан бир қаторда аёлларга ҳам берилган.

Аллоҳ таоло: **“Эй пайғамбар, агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарса ни ширк келтирмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, зино қилмаслик, болаларни ўлдирмаслик, кўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхши ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, бас, уларнинг байъатини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларни мағфират қилишини сўра. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва меҳрибондир”**, (*Мумтаҳана, 12*) деб марҳамат қилади.

Яна таъкидлаш лозимки, Исломда аёлнинг ишлаши ман қилинмаган, балки бу масала аёл кишининг оиласи ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб тартибга солинади.

Мутақаддим ҳанафий фақиҳлардан Камолиддин ибн ал-Ҳишом айтади: “Агар аёлнинг ўзига хос фарзи кифоя ишда ҳунари бўлса, эри унга ишлашни ман қилолмайди”.

Шунинг учун аёл киши эрининг ишида ёрдамлашиши, оиласи муҳтож бўлганида ҳалол меҳнат қилиши жоиз. Зотан, аёл меҳнат учун эмас, (лекин уй учун ҳам эмас), балки эъзоз, оналик бахти учун уй деб аталмиш кошонанинг файзу баракаси, хонадон фариштаси, келажак авлод тарбиячиси сифатида яратилган.

Ислом, турли омиллардан қатъи назар, инсон инсонлиги билан улғувор, деган шиорини кўтариб чиққан пайтида бутун оламда кишиларни танасининг рангига, ирқига, молу насабига ва бошқа бир қатор сохта омилларга қараб тақдирлаш ёки хорлаш ҳукм суради. Бир-бирларини кўролмаслик, душманчилик, ирқчилик авж олган шароитда Ислом инсонларни ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, биродарлик, тенглик мақомига олиб ўтиш учун кураш бошлади. Бу ишнинг бошида Қуръони карим орқали бутун халқларга қарата қилинган ушбу нидо туради:

“Эй одамлар, сизларни бир жондан яратган, ундан унинг жуфтларини яратган ва икковларидан кўплаб эркак ва аёллар яратган Раббимизга тақво қилинг”.

Бир жондан яралган хоҳ эркак, хоҳ аёл ўз Раббига тақво қилишга чақирилмоқда.

Дунёнинг кўпгина жойларида аёл кишига эркак киши билан тенг ҳуқуқ бериш шиори остида аёлларга кўп зулм қилинган. Агар барча нарсада аёл билан эркак тенг бўлиши шарт бўлса, Аллоҳ таоло инсон зотини эркак ва аёл деб ажратмаган



бўлур эди. Улар биологик ва психологик жиҳатдан фарқ қиладилар ва бу омиллар Исломда эътиборга олинади. Аёлларга хос масалаларда уларга кўп ҳуқуқ, эркакларга хос масалаларда уларга кўп ҳуқуқ, эркак ва аёлларга хос масалаларда иккаларига тенг ҳуқуқ белгилаб берилган.

Аёл кишининг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги ҳужжатни дунё яқинда ўйлаб топган бўлса, Ислом бу масалани ўн беш аср илгари ҳал қилиб қўйган.

Ислом биринчи бўлиб аёл киши ҳам худди эркак кишидек тўлақонли инсонлигини, улар оладиган савобларда ҳам тенг ҳуқуқли эканини эълон қилди.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади: **“Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, итоатли эркак ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозуъли эркаклар ва тавозуъли аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар учун Аллоҳ мағфират ва улкан ажрни тайёрлаб қўйгандир”**.

Ислом динда, амалда ва савоб қозонишда бўлганидек, илм олиш соҳасида ҳам эркак ва аёлга бир хил ҳуқуқ берди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”, дедилар.

“Эркаклар ҳам меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар”.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом динимиз аёлни ота-онага қиз, туғишганларга опа-сингил, эрларга умр йўлдош ва фарзандларга мўътабар она сифатида эъзозлайди, ҳар мақомларига алоҳида эътибор қаратади ва юксак мартабалар беради.

Дилфуза МУҲИДДИНОВА,
Тошкент Ислом университети ўқитувчиси

Адабиётлар: Қуръони карим. Абдулазиз Мансур тарж. Т., 2001; Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”, Т., 1987; Бурҳониддин Марғинойий. “Ҳидоя”, Т., 1994; “Аёлга эҳтиром”. Тўплам. II. Т., 2001.



Алоуддин БАШАР

СЕВГИ НИМА?

(Охири. Боиланиши ўтган сонларда.)

“Ҳақиқатни излаган Хулё! Мак-тубингда сени фарзандлари дардида ёнаётган бир она руҳияти ичида кўрдим. Бу ёшингда шундай бир камолотга эришганинг учун сени табриклайман. Ёшларнинг ҳолини қандай талқин қилишимга келсак, бу мавзуда нима деб ёзишга ҳам ҳайронман. Ҳодисалар ҳаммининг кўз ўнгида кечяпти. Бўйига етган ёки, бошқа бир ифода билан айтганда, турмуш куриш ёшига етган ёшларнинг болаларча хатти-ҳаракат қилаётганларига тез-тез шоҳид бўламиз. На қиз “оналик”ка номзод бўлганини ҳис қилади, на йигит бўлажак отага ярашадиган бир вазият ичида. Қизларимиз йигитлар билан гаплашишар экан, шунчаки табассум қилинадиган оддий бир ҳазил учун овозлари борича қаҳқаҳа отиб кулишади. Йигитлар ҳам самимиятсиз ва сунъий кулишлари билан бунга жавоб қайтарадилар.

Замонамизнинг иштиёқсиз, мақсадсиз, қаҳқаҳачи, танбал, тентакнамо, қони қайноқ ёшларининг ҳақиқатда ичларида руҳий бир бўшлиқ борлигини ва бу бўшлиқни моддий нарсалар билан тўлдириш пайида овора эканларини ҳам яхши биламан. Дардларининг давосини бошқа ердан қидираётганларини ҳам тушуниб турибман. Модомики сенда ҳам

бу ёшларга нисбатан бир ачиниш ҳисси пайдо бўлган экан, бу ҳисни тўғри қўллаш керак. Масалага жаҳл билан эмас, шафқат билан ёндаш. Бу мавзуда сенга бир воқеа айтиб берай. Бу воқеа қалбимни тубдан яралаган ибратли ҳодисадир. Замон ва маконини айтиб гапни чўзиб ўтирмай, қисқача қилиб тушунтираман...

Бир ёш қиз университетда ўқиш учун бир шаҳарга келди ва шаҳват савдогарларининг қўлига

тушди. Тез алданувчан заиф қалби, тез ҳаяжонланадиган ҳиссиёти унга келажакни унуттиргани учун “Ҳамма шу-ку” дея бошлади. Меҳнат ўрнини кайфу сафо, дарс ўрнини майхона, кафе ва ресторанлар эгаллади. Бу кетиш ниҳоят кутилган натижани берди. Оқшомлари ётоқхонага кеч кела бошлади ва ётоқхонадан ҳам ҳайдалиш даражасига борди. Аҳволини отасига хабар қилишди. Бечора ота қизини у шаҳардаги ифлос муҳитдан қутқариш учун орқасидан келди. Қизи билан кўришганидан ва, кеч бўлса ҳам, оталик насиҳатларини айтганидан кейин: “Бу шаҳарда қисматинг шу экан, нарсаларингни йиғиштир, кетамиз,” деди. Нима қиларини билмай қолган қиз “майли” деб хонасига кириб кетди. Ҳаммаси орада кечган бир-икки дақиқа ичида рўй берди. Ўша онда виждонини қандай ҳисоб-китоб қилганини, нималарни ўйлаганини билолмаймиз, аммо биз билган бир нарсаси шуки, бир дарбадар кўнгили чироғи сўнди. Нима бўлди, деб югурган ҳаммининг кетидан ота ҳам югурди ва оломон ўртасида қизининг жонсиз жасадини кўрди...

Менимча, бу қиз отасини рад қилиш ўрнига, ўзини ётоқхона деразасидан ташлаш билан, руҳида ҳали тамоман сўниб улгур-

маган бир уялиш туйғусининг борлигини у ерга тўпланган оломонга жасади билан кўрсатмоқчи ва жонсиз боқишлари билан уларга: “Мени бу ҳолга сизлар келтирдингиз!” демоқчи эди.

Ҳа, бу қизча шунчаки маълум кимсаларнинг шаҳват тузоғига тушиб қолган эмас. У бутун бир жамиятнинг қурбони эди. Ҳамма “севги” деб эсини еган, газет-журналлар энг бош саҳифаларини аёл учун ажратган, радио-телевидение дастурлари, куй ва кўшиқлар “аёл, аёл” деб бақириб жар солаётган бир жамиятда ўсиб улгайди. Ҳаммини домига тортиб, жамиятни безовта қилаётган бу ифлос ҳаво ниҳоят қизни ҳам захарлаган эди. Бу бечора қиз ва унга ўхшаш юзлаб, минглаб ёшлар тўхтовсиз ташвиқотлар билан шундай бир ҳаёт фалсафасини мажбуран қабул қилишга рози бўлишган ва бўлишмоқда. Бундайин разил ҳаётни гўёки ҳеч кимнинг таъсири остида эмас, балки ўзлари танлаганларига ишонишади. Узоқ йиллардан бери уларга ор, номус ва ҳаё каби тушунчалар “эскича”, “қолоқлик” деб синдирилди, замонавий, маданиятли ёш авлод бунақа тўсиқларга мутлақо парво қилмаслиги керак, деб уқдириб келинди. Нафслари силаб-сийпаланди, ўзлари эса хунук бир ўйинга қурбон қилинди. “Йиғиштир шу ҳаё деган нарсаларни, ошиб ўт бундай тўсиқлардан”, деган давомли ва маккорона талқинларга маъруз қолди ёшлар. Уларни овлаш пайида бўлган баъзи қора ниятли гуруҳлар: “Ҳеч ўзингни йўқотма”; “Сен ҳам ҳаммага ўхшаган одамсанда”; “Ҳозир замон шунақа”; “Ўтмиш ва келажакни унут, кунлик кайфу сафога, ўйин-кулгига боқ, ёшлигингда ўйнаб қол”, деб шайтоний йўл-йўриқлар билан йўлдан адаштириб, охир-оқибат ўзига ўт қўйишдек, осиб ўлдиришдек ёхуд сувга, поездлар тагига ўзини ташлашдек машғум натижаларга сабаб бўлишди.

Соғлом ақл, уйғоқ виждон билан идрок этилса, ҳеч бир шахс-

нинг рози бўлмаслиги аниқ бўлган бу бузуқ ҳаёт фалсафасини, афсуски, ҳозирги кунда алданган баъзи ёшлар қабул этмоқда. Натижада ўйлашдан, фикрлашдан қочадиган, алдамчи найрангларга жон деб ёпишадиган, гафлатга ошиқ, айшу ишратга мафтун, фақат маишату ўйин-қулги билан умргузаронлик қиладиган галати бир насл етишиб чиқди.

Бу ўринда бир мутафаккирнинг сўзини ҳам айтиб ўтиш лозимдир: “Миссионерлар ислохотлар давридан бери мусулмон дунёсида муқаддас туйғуни, яъни, исломиятни ўлдириш пайдан чопмоқда. Бу муқаддас туйғу ўрнига ўзларининг динларини сингдира олишмаслиги аниқ эди. Чунки миссионернинг асл мақсади христианлаштириш эмас, балки азалий рақиби бўлган мусулмонларни этник жиҳатдан парчалаб ташлашдир. Хоҳлаган қолипга сола оладиган, онгсиз ва иродасиз бир чанг ҳолига келтиришдир...”

Ёшларни қандай қилиб бу ҳолатга олиб келишди?!

Бу масала каттакон бир тадқиқот мавзудир. Битта ёки бир нечта мактуб билан ҳал бўладиган масала эмас бу. Фақат шу қадарини айтмай: газет ва журналлардан роман ва ҳикояларгача, кинофилмлардан радио-телевидениеларгача жами нашр органлари устида, замон омиллари ҳам ҳисобга олинган ҳолда, бир тадқиқот қилинса, бугунги бир қанча ижтимоий касалликлар, худди вабо (холера) касаллиги каби, бирдан пайдо бўлмагани, балки жуда ҳам онгли ва режали бир ғайратнинг маҳсули экани равшан бўлар эди. Кечагина аждоқларимиздан дарс олган Оврупа бугун, масалан, “Гўзаллик мусобақаси” остида қизларимизни ҳузурга жалб этиб, энг хунук бир шаклда имтиҳон қила олаётган бўлса ва биз бунга парво қилмайдиган ҳолга келган бўлсак, бунинг тасодиф эмаслиги ойдинлашади.

Тадқиқот давомида ашула, кўшиқ ва мусиқаларнинг матнла-

ригача синчиклаб, буларнинг ўз маданиятимизга, қадриятларимизга қанчалик тўғри келиши ҳам таҳлил қилинмоғи лозим бўлади. Бозорларда, уловларда, тоғларда, кўча-кўйда, уйларда магнитофонлар, карнайлар бир-бири билан мусобақалашиб: “Ниҳоят сен меникисан”, “Бир кун яна қайтиб келасан”, “Биз барибир бирга бўламиз” каби шилта кўшиқларни башаларимизга сачратяпти, уларни тинглаган ёшларнинг, ўзлари билмаган ҳолда, ақллари олиб, хаёлларини паришон қиляпти. Ва бу ёшлар ақл бобида бўлмаса ҳам, ҳис бобида ўзига бўлажак умр йўлдоши деб танлаган қизнинг бошқалар билан ҳоҳлаганча юриб, нима қилса ҳам, энг муҳими, охирида яна ўзига қайтиб келишини галаба деб ўйлайдиган ҳолга келишди.

Бундай туйғу ёш қиз учун яна ҳам хавфлидир. Бошқа шунга ўхшаш шаҳват нағмаларини ҳам бунга қиёслашнинг мумкин.

Булардан ташқари, “севги” ҳақидаги роман ёки ҳикоя, жамиятга ёзувчининг ҳаёт тушунчасини асар қаҳрамонлари орқали тақдим этишдан бошқа нарса эмас. Бир ёзувчини ҳақиқий маънода танимасанг, номус ва оила ҳақида унинг фикрларидан хабарсиз бўлсанг, унинг асарини ўқишинг тоғу тошда ё далада бегона эркак билан ёлғиз ҳолда саёҳат қилишдек таҳликалидир. У сени ёлғиз учратишдек имкониятни қўлга киритса, дарҳол бутун қора нияти ва ахлоқсиз ўғитларини олдинга тўкиб солади. Аммо бу ишни у асаридаги воқеаларга буркаб, қаҳрамонлари орқали, ўзи ҳодисалар орқасида яширинган ҳолда устакорлик билан амалга оширади. Роман қаҳрамонлари гўё бир микрофон карнайи, аммо гапираётган ҳар доим ёзувчининг ўзидир. “Сўхбатда таъсирланиш бор”, деган ҳақиқатдан ҳам келиб чиқиб, тоза қалбли бир ўсмир бундай асарларни ўқий-ўқий охири ҳаётга ўша роман (асар) қаҳрамонлари каби қараб, коинот ва инсонларни уларнинг кўзи билан идрок эта бошлайди.

Аслида лаънатланиши керак бўлган бир фикр роман қаҳрамонлари орқали ўқувчига ғоят табиий ҳолда севдирилиши мумкин. Ҳозирги кунда дунёнинг ҳар тарафига ёйилган ахлоқсиз нашр, кино ва видеолар олдида романлар ҳам орқада қолиб кетди. Оврупа ёшларини шаҳват ботқоғига ботирган ҳам шу ҳаёсиз нашрларнинг “беминнат” хизматларидир. Натижада бугун фоҳишабозлик бутун дунёда катта бир таҳлика сифатида қабул этилмоқда. Фарб дунёси бу масалада ўз ёғига ўзи қоврилмоқда. Енгилтак, ҳаёсиз ва натижада наркотик оғу мубталоси бўлган ёшларни кутқариш ташвишида боши қотган. Бир томондан эса, бизга ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Бизнинг ёшларимизни ҳам домига тортмоқда. Бир газетда шундай бир статистик маълумотга дуч келдим: “Амриқонинг тўртта штатида 1200 аёл орасида ўтказилган текшириш улардан 43 фоизи эрларига хиёнат қилиб, алдаганликларини кўрсатди”. Амриқо шундай бўлса, Франсани, Шветсани ўзинг тасаввур қилавер.

Ўлкамизда Фарб бундай ахлоқсизликларни ёйиши баъзи мутасаддиларнинг руҳсати билан янада тезлашмоқда. Агар ёшларимиз Фарбга мафтун бўлиб, фарблашиш пайига тушса, натижа жуда ёмон бўлади...

Аммо шунисига ҳам шукр қилиб айта оламани, миллатимиз ва оилавий аҳволимиз ҳали бундай аянчли ҳолатга тўла тушгани йўқ. Яна бир бор чуқур ўйлаб кўришга имконимиз бор. Зотан, бир асрга яқин чеккан изтироб ва яраларимиз ҳали битганича йўқ. Бу яраларни даволаш сиздек номусли ва ғайратли, ватани, миллати ва дини ҳақида қайғурадиган, имонли наслларнинг ҳаракатлари ва ғайратлари билан амалга ошажакдир, иншааллоҳ.

Салом билан...”


Даврон ҚОБИЛ
таржумаси

ИСЛОМ ОЛАМИДА РАМАЗОН

Раҳмат, ғуфрон ва хатмул Куръон ойи барча исломий ўлкаларда ўзгача бир интиқлик, ўзгача шод-хуррамлик, айрича бир завқ-шавқ билан кутиб олинади. Келинг, яхшиси турли ўлкаларда бу ойни қандай ўтказишлари билан танишиб чиқайлик.

Мадинаи мунавварада

«Пайғамбар шаҳри», деб шарафланган Мадинаи мунавварада Рамазон ойи ҳар қачонгидан шукуҳли, файзли, ибодатга бой ўтади. Ўтмишда бу ойда ифтор-



лик ёки саҳарлик оила бошлигининг хонадонидан бошланган, кейин навбати билан бошқа оила аъзоларининг хонадонларига кўчган. Ўттиз кун мобайнида қариндош-уруғлар бир-бирларини меҳмонга чақиришган. Масжиди Набавийда ифторлик дастурхонлари солинган (бу одат ҳозирда ҳам бор). Халқ масжидда жамоат билан намоз ўқиш, ифторлик қилиш савоби ва шарафини қўлдан бермаслик учун масжидга оқиб келган. Хуфтон ва таровеҳ намозлари жамоат билан адо этилган. Сўнгги ўн кунликда Масжиди Набавийда ибодат, зикр, тафаккур мажлислари кўпайган. Болалар Рамазоннинг биринчи, ўн бешинчи кунлари ва ҳайит кечасида “Жабухума жабуху” деб Рамазон кўшиқларини айтишган.

Бугунги кунда ана шу одатлардан ташқари жаҳоннинг турли ўлкаларидан умра ибодатини ўтказишга келганлар Пайғамбар (алайҳиссалом) масжидларини тўлдириб ибодат ва зикруллоҳ билан машғул бўлишади. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак қадамлари теккан Кубо, Қиблатайн, Жума, Сабаъ масжидларини зиёрат қилишади. Рутоб деган хурмоларни, Мадинанинг машҳур кўкатларини харид қилиб, ифтор дастурхонларини безашади.

Мисрда

Қоҳирада бу табаррук ой билан боғлиқ “Рамазон фонуси” деган таъбир бор. Бу таъбир Фотимийларнинг бирин-




чи халифаси Ал-Муизз давридан қолган. Халифа кечкурун аёлларнинг кўчада юришини ман қилган, фақат Рамазон ойидагина олдида шам тутган бола ҳамроҳ бўлиши шарти билан кўчага чиқишга рухсат берган. Фонус аёл киши келаётганини билдирган ва эркаклар унга йўл бўшатишган. Мана шу тарихдан эътиборан Рамазон фонуси Миср халқининг рўза ойини кутиб олиш аломатига айланган. Рамазон фонуси болаларнинг севинчи ва қувончи сифатида бугун ҳам давом этапти.

Жазоирда

Жазоирда оила бошлиғи Рамазондан олдин бир ойга етадиган озиқ-овқатни олдиндан гамлаб қўяди. Шаъбон ойининг йигирма тўққизинчи куни ҳамма ҳилолни кузатади. Ҳукумат Рамазон бошланганини эълон қилади ва мусулмонларни бу ойнинг кириб келиши билан табриклайди.

Бу ерда болалар ёшлигидан рўза тутишга одатлантирилади. Аёллар уй-жойларини ҳар қачонгидан покиза, озода тутишади. Жазоирликлар одатда хурмо ва сут билан оғиз очишади. Кейин масжидга бориб шом намозини адо этгач, уйга қайтиб, ифтор қилишга киришишади. Хуфтон, таровеҳ намозларини ўқиш, диний дарс, суҳбат-маърузалар тинглаш учун одамлар масжидларга оқиб келишади. Ёшлар Куръон ўқиш ва хатм қилишда мусобақалашадилар. Айниқса, Қадр кечасида



хум, маржимак ва хумусдан тайёрланадиган «харира» деган шўрвадир. Шунингдек, ифторлик ва саҳарлик учун жериш, харис, кукси, бастила сингари миллий таомлар ҳам пиширилади.

еб-ичишдан тийиладилар. Ҳайит куни ҳамма бир-бириникига меҳмонга боради. Келганларга мева ва ширинликлар инъом этилади.

Ҳиндистонда

Юз милёндан зиёд мусулмон яшайдиган бу ўлкада Рамазон масжидларни тозалаш, тартибга келтириш билан бошланади. Бу ишда ҳатто ғайримусулмлар ҳам ёрдамлашишади. Ҳилол кўринганида олти марта тўп отишади. Радио ҳар бир шаҳардаги саҳарлик ва ифтор вақтини такрор-такрор эълон қилиб туради. Аҳоли ифтор ва субҳ вақтини истаган



пайтда билиши учун давлат махсус телефон рақамини белгилаб қўяди. Жомеъ масжидлари одамлар билан тўлиб-тошади.

Ҳиндлар гўшт егани мусулмон ошхоналарига келишади. Чунки ҳинд ошхоналарида гўшт пиширилмайди. Ҳинд емакхоналарида мусулмонлар ҳурматидан Рамазон ойида деразаларга парда тортиб қўйишади. Охириги ўн кунликда эътикоф, зикр, ибодат, тафаккур авжга чиқади. Давлат жума ва ҳайит намозларига борадиган мусулмонларга махсус бепул автобуслар ажратади.

Инобат АБДУМЎМИН қизи тайёрлади.

ибодатлар катта завқ-шавқ билан ўтади. Рамазон ойида бойлар саховатга зўр беришади, муҳтож ва ғарибларнинг кўнглини овлашади. Телевидение ва радио тинимсиз диний кўрсатув-эшиттиришлар бериб боради.

Марокашда

Бу мамлакат аҳолиси Рамазонни ажиб бир кўтаринкилик билан қаршилайди. Уйлар тозаланади, оқлаб-бўялади, имкониятга қараб янги ашёлар, кийим-кечак, рўзгор буюмлари харид қилинади.

Рамазон ҳилоли кўринган лаҳзада йигирма бир марта тўп отиб, рўза ойи киргани маълум қилинади. Кўча, томларни тўлдирган болалар илоҳий кўшиқлар айтадилар, дўмбира чалиб севинчларини изҳор этадилар. Тўп



овозини эшитган катталар кўчага чиқиб байрам қилишади. Бу муборак ва муназзаҳ ойда энг асосий емак — сув, ун, гўшт, ту-

Сенегалда

Фарбий Африқодаги ўн милён аҳолиси бўлган Сенегалда Рамазон ойида масжидларда суҳбатлар, тафсир, ҳадис, фикҳ дарслари ўтказилади. Телевидение ифтор пайтида имон ва ҳидоятга чорловчи кўрсатувлар намойиш этади. Кўчаларда кўнгиллилар одамларни кечаларни ибодат билан ўтказишга ташвиқ этиб юришади. Энг кўп ейиладиган таомлар гуруч, гўшт, зайтун ёғи ва балиқ. Хурмо билан фақат оғиз очишади. Рамазон ойи келганини кўчалардаги ошхона ва қаҳвахоналарнинг кундузи тақа-тақ беркилишидан ҳам билса бўлади.

Жанубий Африқода

Бу ўлкада ҳаво ниҳоятда иссиқлигига қарамай, мусулмонлар рўзани кучли бир иштиёқ, ихлос билан тутишади. Улар Рамазон ойида эрталабдан пешингача ишлашади. Кейин масжидга бориб пешин намозини ўқишади, диний дарслар тинглашади. Аср намозини ўқиб, уйга тарқалишади. Оқшом уйда ўтказилиб, сўнг таровеҳ намозига чиқилади. Масжид жамоат билан тўлиб-тошади. Бошқа дин вакиллари Рамазон ҳурматидан мусулмонлар олдида



Абдуҳаким қори ВОСЕЪ ўғли

ДУНЁ ВА ОХИРАТ ЧОРРАҲАСИДА

* * *

Инсон бу дунёга яхши еб, яхши кийиш учун, шоҳона уйларида яшаш учун келмайди. Инсон Аллоҳга қулик қилиш учун, Унинг амр-фармонларини бажариш учун яралган. Яъни, дунёга қўша-қўша иморатлар солгани, маишатбозлик қилгани келмаганмиз. Дунёга Аллоҳни танигани келдик, нима учун яратилганимизни билгани келдик. Аммо бугун ҳой-ҳавасга мубтало бўлиб қолдик. Охиратни унутиб қўйдик. Деҳқон, икки марта ҳосил олсам, дейди. Тожир, икки баробар фойда кўрсам, дейди. “Тадбиркор” Аллоҳ берган ризққа қаноат қилмай, дунё излаб зир югуради. Аммо охират ишига бепарво, қайғурмайди. Гўёки ўлмайдигандек... Эртага Аллоҳ ҳузурда барча неъматлар учун жавоб бермайдигандек...

Шу топда бир ривоят эсимга тушиб қолди. Бир бадавлат киши янги қуриб битказилган қўшқават, кўркам уйининг деразасидан ташқарига боқиб, фахрланиб ўтирган экан. Иттифоқо, кўчадан жулдур кийимли бир қаландар ўтиб қолибди. Бой уйининг ҳар томонига синчков тикилиб турган дарвешдан сўрабди:

— Қалай, қурган уйим ёқдимми?

— Ҳа, жуда чиройли, кўз қувнатар уй бўлибди. Аммо охиратдаги уйингизни ҳам шундай беками кўст қура олганмисиз?

Устоз Абдуҳаким қори Восеъ ўғлини ота юртлари Марғилондагина эмас, бутун Ўзбекистонда, ҳатто ундан ташқарида ҳам танимайдиган одам кам топилса керак. Юз ёшни қоралаб қолган бу зотни мамлакатда кўп номдор олиму фузало ўзига устоз санайди: ё қори отадан сабоқ олган, ёки шогирдларида таҳсил кўрган. Даҳрий совет тузумининг энг тазйиқли йилларида катта жасорат кўрсатиб, юзлаб талабага Аллоҳни, Унинг пайғамбарини, динини, муқаддас Каломини танитган бу табаррук инсоннинг таълим соҳасидаги тажрибалари таҳсинга лойиқ. Яқинда мухбиримиз Абдуҳаким қори ота суҳбатларида бўлиб, бу зотнинг дунё ва охират ҳақидаги баъзи мулоҳазаларини ёзиб олди.

Бой қаландарнинг саволига аввал унча тушунмабди. Кейин англаб етиб, пешонасига битта туширган экан.

Ҳозир кўпларимизнинг аҳволимиз ўша бойнинг ҳолини эслатади. Зинаси кўп, тирмашиб, аранг чиқиладиган уйлар қуряпмиз. Уларни хорижий, қимматбаҳо мол-ашёларга тўлдириб ташлаяпмиз. Улар билан фахрланяпмиз. Аммо охират биносига битта гишт қўйишга вақт тополмаймиз. Тоқатимиз етмайди. Рағбат-интилиш ҳам йўқ.

Бу соҳада бизга энг катта ибрат — олий хулқ соҳиби жаноби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турибдилар. У зотнинг хокисор, камтар, дунёдан этак силккан саҳобалари (розийаллоҳу анҳум) туришибди. Қолаверса, солиҳ салафлар, улуг аждодларимиз бор. Нега улардан ибрат олмаймиз, уларга эргашмаймиз, ҳаётимизни уларга ўхшатиб қура олмаймиз?

Дунёга раҳбар-йўлбошчи этилиб юборилган Расулуллоҳнинг ўзлари гоят камтарона ҳаёт кечирганлар. Оддий кийинганлар. Тўйиб овқат емаганлар. Вафотлари яқинлашганида уйларида уч дирҳам пул борлиги эсларига тушиб, дарров садақа қилганлар. Бир яланғоч одамга кийимларини ечиб берганлар ва ўзлари бомдодга чиқолмай қолганлар. Шунда оят нозил бўлган. Қизлари Фотиманинг уйида янги осилган пардани кўриб қолиб, ичкари

кирмай, қайтиб кетганлар. Аллоҳ таоло “Агар расулим бойликни хоҳласа, Макка атрофидаги тоғларни олтинга айлантириб бераман”, деб билдирганида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фоний дунёдан кўра боқий охиратни, умматлар учун қайғуришни афзал кўрганлар.

Ёки иккинчи халифа Ҳазрати Умарни (розийаллоҳу анҳу) олиб кўринг. Кичкина одам эмасдилар. Бутун Ислоом оламининг бошлиғи эдилар. Мадинага тинимсиз оқиб келаётган ўлжа-бойликларнинг тасарруфи қўлларида эди. Аммо ўзлари ямоқ кийимда юрардилар. Кўйлаклари битта бўлгани учун ювилганида қуримай қолиб, жума намозига чорак соат кечикиб чиққанлар ва узр сўраганлар. Набиралари очликдан ҳолсизланиб, йиқилиб қолганида ҳам, ўғиллари тенгдошлари ичида жулдур кийимда юрганида ҳам Байтулмолга (давлат хазинасига) қўл урмаганлар.

* * *

Бултур қўшни вилоятга бир кишининг зиёратига бордик. Кечкурун бир имомникида тунадик. дастурхон солишди. Анвойи мевалар, ранг-баранг сув-шарбатлар, бир-биридан лаззатли таомлар... Аллоҳ рози бўлсин, меҳмонларни хурмат қилиб, дастурхон солибди. Аммо бунчалик такаллуф нечун? Бунчалик ортиқча харажат, исроф нечун? Атрофимизда қанча ночор, муҳтожлар

бор. Пулингиз кўп бўлса, нега эҳсон қилмайсиз? Нега очларни тўйдирмайсиз? Бор экан, деб со-вуравериш инсофдан эмас. Ҳам-ма ишда ўртача йўл тутиш керак. Молим озаяди ёки тугайди, деб қўрқманг. Жойини топиб эҳсон-ни кўпайтирнг. Кўпайса, кўпая-дики, асло камаймайди. Аллоҳ-нинг ваъдаси бор.

* * *

Инсонга аслида кўп нарса ке-рак эмас. Айтишларича, одамзот уч неъмат ичида тонг оттиради: масканида тонг оттиради, сало-матликда тонг оттиради, бола-чақаси учун кечгача етадиган ризқ билан тонг оттиради. Ана шу уч неъмат эгаси дунёнинг ҳаммасига эга бўлибди. Дарҳақи-қат, ётарга бошпанамиз бор, чўлда қолганимиз йўқ, маҳбус-ликда эмасмиз. Танамиз соғ-са-ломат, аъзоларимиз бутун. Хо-надонимизда кечгача етадиган егулимиз бор. Демак, биз дунё-даги энг бой, энг бахтли ин-сонмиз. Йўқ! Ана шу неъматлар-га ҳам қоникмаймиз, шукр қил-маймиз. Дунёнинг ҳаммасига эга қилиб қўйган Аллоҳга ҳамдлар айтмаймиз. Эртага нима ейман деб зорланамиз. Уйимизда гўшт йўқ, сариеғ йўқ, қаҳва йўқ, қанд-шоколад йўқ, деб “оҳ”лар урамиз. Ҳар фаслга, ҳар жамо-атга мослаб кийимлар тиктира-миз. Уловимизнинг шакли, ран-ги, ҳатто рақами ёқмай қолиб, янгилашга тушамиз. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунёдан юз ўгирганлар, дунёни қабул қилмаганлар. Қачон биз у зотга муносиб уммат бўламиз?

* * *

Баъзилар ибодатимда ҳаловат йўқ, завқ тополмайман, деб ҳасрат қилади. Айримлар дунё вазвасидан қандай кутуламан, деб бош қотиради. Дунёдан кутулиш учун қўлингдаги бор нарсани фақирларга тарқат, воз кеч! Ибодатни кучайтир! Ибро-ҳим Адҳам, Фаридуддин Аттор каби улуғлар йўлини тут! шун-да дунёдан узиласан, ўлимни яхши кўриб қоласан. Расулул-

лоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) боқ, фикр қил, дунё-дан айро бўласан!

* * *

Асри саодатдан узоқлашгани-миз сари зулмат боряпти. Нафс-лар ҳакалак отиб, кўзлар дунёга тўймай қоляпти. Илм унутил-моқда. Машҳур олимлар қани? Зухдда, тақвода, ибодатда якто-лар қани? Фозилу нуктадонлар қаерда? Дунё куп-куруқ бўлиб қолгандай. Беамал олим, оми сўфи кўп. Илмга интилайлик, Қуръонни ўрганайлик, илми-мизга амал қилишни ўрганай-лик. Илм мажлисларини ҳатто малоикалар, Аллоҳнинг фариш-талари ҳам орзу қилишаркан. Ҳазрати Жомийда бир байт бор. Мазмуни шундай: “Ҳақиқий муаллим — Аллоҳнинг ишқи, дарсхонаси — хомушлик, сукут, талабалари — олимлар, ҳеч ким унга шогирд бўлолмайди”. Кўп ўқишимиз, кўп сўрашимиз ке-рак. Кўп нарса билдим, деб ғу-рурга кетманг, фахрланманг. Улуғлардан бири “Билмаганла-римни оёқ тагига қўйсам, бо-шим кўкка етарди”, деган экан.

* * *

Фарзандларимизга Қуръони каримни ўргатайлик, Қуръон ёдлатайлик. Агар ҳофиз ул-Қуръон: “Мендан ҳам Аллоҳ неъматига кўпроқ мушарраф бўлган одам бормикан?” деб ўй-ласа, хато қилибди. Чунки Ал-лоҳнинг каломини ўрганиш барча билимларнинг боши, сар-лавҳаси. Қироат намоздаги асо-сий рукнлардан. Бир олим одам имомликка ўтаётган бўлса, қори келса, бўшатиб бериши керак. Намоз — Аллоҳ билан розла-ниш, У билан музокара, сир-лашиш. Аммо оятларни чала ўқисак, ҳарфларни махражидан чиқара олмасак, қандай музо-кара бўлсин? Қандай намоз бўлсин! Шошилиб, қироатни бузиб ўқиганга Аллоҳ “Вайл бўлсин!” деган. Унда намоз ўқимаганга нима деркин? Ҳадеб дунё ортидан чопмай, мол-дунё ишқида елиб-югуравермай,

ҳакалак отган нафсларимиз йўлида сарсон бўлмай, ибодат-ларимизни комил қилишни ўйлайлик. Охират ҳақида бош қотирайлик. Аллоҳ розилигига эришиш ҳақида қайғурайлик!

* * *

Бирор жойга бормоқчи бўл-сак, нимага кетаётганимизни биламиз. Бозорга отлансак, хал-тамиз, пулларимизни ҳозирлай-миз. Сафарга чиқсак, зарур буюм, ҳужжатлар эсимиздан чиқмайди. Тоғ сафарини мўл-жалласак, егулик, туз-гугурт-гача ғамлаймиз. Аммо асл борар жойимизга нималар олиб кета-ётганимизни билмаймиз. Одам-лар, қоидалардан қўрқамиз, офат-фалокатлардан қўрқамиз, аммо Аллоҳдан қўрқмаймиз, амр-фармонларини бажаришга шошилмаймиз. Нафс, шайтон вазвасаларига ғарқ бўлганча чо-паверамиз.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен бир дарахт соясида бир оз нафас ростлаб ўтадиган бир отлик йўловчи кабидирман”, деб мар-ҳамат қилганлар. Яъни, бу дунё менинг асосий маконим, мақ-садим эмас, деганлар. Биз ҳам ҳаётимизни ана шу буюк ҳақи-қат асосида қуришга, изга со-лишга, тузатиб яшашга мажбур-миз. Баъзи донолар рамз қилиб: “Бу дунё эски бир ҳожатхона, олтин, танга эса истинжо қи-либ, ташланадиган тош”, деб баҳо беришган. Дунё ва охират-нинг чорраҳасида турган ҳар бир инсон буни яхши англаб оли-ши керак. Чунки дунёни севиш, унга кўп рағбат кўрсатиш бар-ча хатоликларнинг боши, асо-сий сабабидир. Дунёни севиш аввал амалларини, кейин ин-соннинг ўзини махв этади. Чин мусулмон Расули акрамдан (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) иб-рат олиб, дунёда охират қайғу-си ва илинжи билан яшайди. Аллоҳ таоло қалбларимиздан дунё ҳирсини ўчириб, охират қайғусини, зухд ва тақвони ато этсин. Ўзининг Ҳақ йўлидан адаштирмасин. Омин...



СИТСИЛИЯДА БУХОРИЙ ҚИШЛОҒИ

Тарих фанлари доктори, профессор Роберт Ланда Ситсилия оролига қилган саёҳати чоғида бу ердаги Буккери қишлоғига қўнди ва, табиийки, олимларга хос қизиқувчанлиги туфайли қишлоқнинг тарихи билан қизиқди. Маълум бўлишича, «Буккери» дегани «бухорий» сўзининг бузиб айтилган шакли бўлиб, тўққизинчи-ўнинчи асрларда Бухородан келган бир жамоа оролни маскан тутган экан.

Бухорийлар олис Италиядаги бу оролга қандай бориб қолишган? Тарихдан маълумки, миллодий саккизинчи асрда мусулмонлар Ситсилияни фатҳ этишди ва 1091 йилгача бу ерда ҳукмронлик қилишди. Фотиҳлар орасида араблар, барбарлар, занжи африқоликлар ва бошқа Ислол мамлакатларининг вакиллари бўлган. Италия шарқшуноси Микеле Амарнинг ҳисобига кўра, ҳозир оролда бир вақтлар мусулмонлар барпо этган ёки эгаллаган шаҳар ва мавзеларнинг арабча 328 номи ҳамон сақланиб қолган.

Мусулмонларнинг кемалари Ситсилиядаги истеҳкомлари ёрдамида Италия, Франса, Испания соҳилларига Ислол даъвати билан етиб борди. Айна пайтда оролда мусулмонлар ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнади, сунъий суғориш кенг қўлланила бошлади. Ўша пайтда бутун Оврупага нота ниш бўлган пилла, пахта, шакарқамиш, шоли, пўртаҳол, лимун, хурмо етиштириш йўлга қўйилди. Бу ерда навшатир олишди, йирик темир кони очилди. Мусулмон Ситсилияси қўшни ўлкаларни озиқ-овқат, газлама, қурилиш ёғоч-тахтаси билан таъминлай бошлади. Оролнинг араб тожирлари Неапол, Салерно, Амалфо ва Италия жанубидаги бошқа савдо шаҳарларида муқим жойлашиб олишди. Шоир ва сайёҳлар Ситсилия боғлари, дарёлари, фаввораларини, бу ерда ўтказиладиган мусулмон байрамларининг жозибасини басма-басига куйлашарди.

1061—1091 йилларда оролнинг тинчи бузил-

ди. Италия жанубида ўрнаша бошлаган норманларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келди. Норманлар охири оролни босиб олишди. Бироқ Ситсилиядаги араб-Ислол маданиятининг кучи ва унинг босқинчиларга таъсири шунчалик катта эдики, ҳокимият алмашуви ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмади. Шаҳарлик мусулмонларнинг анчагина қисми оролни тарк этиб, Миср ва Мағриб ўлкаларига кўчиб кетган бўлса-да, норманлар давлатида араб тили ва маданияти гуллаб-яшнаверди. Мусулмонлар ҳамон муҳим вазифаларни эгаллаб туришарди. Араб ҳунармандлари ва тожирлари ўз имтиёзларини, шу жумладан, Ислол динига эътиқод қилиш эркинлигини сақлаб қолишди. Улар яшаётган маҳалларда масжидлар ҳамон кўкка бўй чўзиб турарди. Норманлар ўз армияларида мусулмон жангчилар ва араб муҳандисларидан фойдаланишарди.

Норманлар ҳукмронлиги даврида (1091-1194) Ситсилияда мусулмон кийимлари, араб тилидаги ёзишмалар, мусулмон тақвими саналари ва Курьон оятлари зарб қилинган тангалар кенг тарқалган эди. Саройда араб мударрислари ва сўз усталари хизмат қилишарди.

Ўн иккинчи асрда қирол Рожер Иккинчи саройида улғу араб олими Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий истиқомат тутган эди. Мағрибда туғилган, хулафои рошиддининг тўртинчиси ҳазрати Алидан тарқаган идрисийлар вакили бўлмиш бу олимни кейинчалик Ислол дунёсида “Аш-шариф ас-сақолий” (шарафли ситсилиялик) деб атайдиган бўлишди. Унинг қаламига мансуб “Ҳайратга тушган сайёҳнинг турли ўлкалардаги машғулотлари” номли китоб ўша пайтдаги жуғрофий асарларнинг энг мўтабар ва ишончлиси бўлиб, узоқ асрлар мобайнида мусулмон ва насроний олимлар орасида илмий қимматини йўқотмай турди.

Ситсилиядаги араб-Ислол маданияти ўн иккинчи-ўн учинчи асрларда, айниқса, бир пайтнинг ўзида Олмония императори ва Қуддуси шариф қироли бўлган Фридрих Иккинчи даврида гуллаб-яшнади. Унинг саройида араб шеърияти, мусиқаси, урф-одатлари ҳукмрон эди. Қирол бир қанча мусулмон олимлари ва файласуфларига ҳомийлик қилди, ўзи чин мухлиси бўлган Ибн Сино ва Ибн Рушд асарларини арабчадан лотин тилига ўгиришга фармон берди.

Ўн бешинчи асрга келиб Ситсилияда араб тили йўқолиб кетса-да, араб-Ислол ҳазорасининг оролдаги таъсири узоқ вақт муҳрланиб қолди. Унинг излари аҳоли масканлари номларида, тил лаҳжаларида, айрим урф-одатларда, оролнинг ҳозирги фуқаролари тарихий хотирасида сақланиб қолган. Оролдаги Бухорий қишлоғи ана шу олис тарихнинг бир шуъласидир.

Аҳмад ТУРСУН

ШАФҚАТ ДАРЁСИ

Онам эрта қарибди. Ҳа... жудаям эрта. Яқиндагина сочлари қоп-қора эди-ку! Наҳот сезмаган бўлсам... Одамнинг сочи ҳам шуңчалик тез оқарадими?!

Ўшанда мен узоқ сафардан қайтган эдим. Мени кучоқлашга турганларида рўмоллари бошларидан сирғалиб, ерга тушди. Сочларига тикилганча, қараб қолибман. “Она-а...” Ортиқ сўзга тилим айланмай қолди.

Онам мени маҳкам бағирларига босдилар. Кўнглим беҳузур бўлиб, кучоқларида жимгина турдим...

“Нима бўлди сенга?”

“Сочларингиз оқарибдими?”

“Кўявер, қарияпман...”

“Ҳали элликка ҳам кирмадингиз-ку”.

“Нима бўпти? Баъзиларники бундан ҳам эрта оқаради”.

Онам сочларини турмакландилар. Бошларига рўмолларини солиб, оқарган сочларини яширгандай бўлдилар.

“Оқ сочларим дилингни хуфтон қилдими?”

Шундай дея елкамни қоқиб кўйдилар-да, нари кетдилар. Бир муддат ўтгач, дастурхон кўтариб келдилар.

“Кел, болам, чой ичамиз. Термисга иссиққина чой дамлаб кўйибман. Овқат сузаман”.

Онам менга овқат ташвишида у ёқ-бу ёққа елиб-югуриб, дастурхон тайёрладилар. Қорним ўлғудай оч эди. Аммо бир бурда нондан бўлак ҳеч нима ея олмадим. Онам овқатга қистай бошладилар.

“Сен кўчадан келгансан-ку! Нега қорнинг тўқ бўлади? Ёки бу овқат ёқмадими? Тухум қовуриб берайми? Сен шуни яхши кўрардинг-а?!” Ортиқча уринманг, даярад қилдим. Шунда онам индамайгина ўтириб қолдилар.

“Кўявер, болам... Сен ҳам қарисанг, меникига ўхшаб сочларинг оқаради. Худо ёшингни соч билан ҳам ўлчаркан-да... Бу нарса қўлингга бўлмаса...”

Онам мени авайлайдилар. Ўзларича бир нималар деб овута-

дилар. Яна овутишлар... Болаликнинг ширин-ширин овутишларини унутиб бўладими? Шовқин-суронга, ўйин-кулгуга тўла у йиллар...

Биз болалар тонг сахарлаб иссиқ сутни ичар-ичмай, кўчага ошиқардик. Кечгача деярли уйга кирмай, кўчада ўйнардик. Онам бўлсалар, тайёрлаган овқатларини едирай деб бизни кечгача қидирдилар. Эрталаб кийган тоза



кийимларимиз кечга бормай расво бўларди. Кўчада ўйнаганимиз етмай, ҳовлини ҳам бошимизга кўтариб шовқин қилардик. Ётар вақти эса, алламаҳалгача ухламай, эртақ айтиб беришларини қистардик. Гоҳида онам эртақларини тугатмасдан ухлаб қолсалар, уйғотиб олардик-да, давомини айтинг, деб туриб олардик. Ухлайвермасак, алла айтар эдилар. Онам жуда чиройли алла айтар, бу аллалар бизга тезда таъсир этар, ухлатиб ҳам кўяр эди...

Ҳеч бир она фарзандлари билан ўтган лаҳзаларни унутолмас керак. Қариса ҳам болаликдаги қилиқларингиз, хархашаларингизни сўзма-сўз айтиб беради. Чунки биз уларнинг бебаҳо ёшлик йилларига нуқта қўямиз. Куну тунларига ором эмас, озор берамиз. Ҳатто улғайиб ҳам билиб-билмай озорлар етказамиз.

Онамнинг уялинқираб яширган оқ сочларининг ҳар толасида биз болаларининг кулгуси,

шодлиги, қайсарлиги, қайғу-ҳасрати яшаётганини биламан. Шу боис томоқдан овқат ўтмай, кўзларда ёш қалқади...

Биз фарзандлар бир-биримизга қилган арзимас яхшиликларимизни таънаю миннат қиламиз. Аммо оналар, жилла қурса, бу сочлар сенларнинг дастингдан оқарди, дейишни хаёлига ҳам келтиришмас экан. Аксинча, уялиб, айбдордай рўмол қабатига яширишар экан. Бунча шафқатни бир кўнгилга қандай сиғдиришаркин?! Дўстнинг дўстга, кўшнининг кўшнига, аканинг укага, опанинг сингилга шафқати чекли, аммо она кўнгилидаги шафқат ҳаммасидан устун экан. Ҳатто унга зулм қилиб, кўнглини чил-чил синдирсангиз-да, у сиздан шафқатини аямас экан.

Онамнинг кўнгилларида кўп озорлар бердим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотганимда, бошим метин деворларга урилганида, одамлар кўнглимни чил-чил синдирганида, кўзимга дунё тор кўринганида онам қошимга келадилар. Бир зумда ҳамма хатоларимни кечириб, қўлларимдан тутадилар. Бағриларига олиб, кўзёш тўкадилар. Ҳаққимга гўзал дуолар қиладилар.

У кишининг меҳрлари, дуолари дардларимга малҳам. Аммо бу дардларим онамни ҳам дардчил қилишини, юзларига ажин солишини, қаддини дол қилишини, ҳатто сочларига оқ оралатишини энди тушуна бошладим. Алам зўрлик қилиб, кўзларимда ёш айланади. Аммо энди кеч...

Онамнинг рўмол қабатидан кўриниб қолган сочларига тикиламан. Меҳр ила менга узатаётган луқмани ҳам кўзим илғамайди. Фақат бир ўй гир айланади миямда: “Бу сочларда не-не дард, қайғу, изтироб, шодликлар асари бор...”

Эрта тонг онам билан хайрлашиб яна йўлга тушдим. Изтиробим шуки, онамнинг хавотирлари, ўйловлари яна ортади. Демак, сочларидаги оқ толар бу-гун яна биттага кўпаяди.

РАЙҲОНА

АБУ БАКР ЛИ ИСЛОМНИ ТАНЛАДИ

Олмаликдаги жомеъ масжиди олдида диний-маърифий китоблар билан савдо қилувчи бу одамнинг қиёфаси кўпчилик намозхонларга яхши таниш. Сўфийларники каби узун кўйлак, кулоҳ, оёғига кавуш-махси кийиб олган бу киши бошқа мусулмонлардан деярли фарқланмайди. Фақат расмий ҳужжатлардаги исми шарифини ҳисобга олмаганимизда...



— **Теля Юревич, келинг, ҳаммасини бир бошдан сўзлаб беринг.**

— Ўзим карисман, 1958 йили Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида туғилганман. Мактабни битириб, Оҳангарондаги “Сантехлит” заводида қуёвчи бўлиб ишладим. Ун-гача бирор динга эътиқод қилмаган эдим. Лекин кўп ўйлардим. “Инсон нега дунёга келган, нима учун яшайди, нега ҳамма бир кун ўлади, кейин нима бўлади?” деган саволлар тинчлик бермасди. Янги очилган масжидларга одамларнинг оқиб келаётганини кўриб, танишлардан Ислоннинг охириги ва ҳақ дин эканини эшитиб, мен ҳам мусулмон бўлишга қатъий қарор бердим. 1994 йили Оҳангарон жомеъ масжиди имоми Сиддиқ домла ҳузурда шаҳодат калимасини айтиб, Ислонга кирдим. “Абу Бакр” деган исми танладим. Ўзим ҳам улуғ саҳобий ва биринчи халифа Абу Бакр Сиддиққа (розийаллоху анху) ўхшашга интилиб яшайман (*фаҳр билан жилмаяди*).

— **Кейин нима бўлди?**

— 1996 йили заводда ўрин қисқартиришига учраб, ишдан кетдим. Масжидда хизмат қила бошладим. Қозоқ аёли Мадинага уйландим. Иброҳим исмли ўғлим, Жаннат исмли қизим бор. Иншааллоҳ, икковини ҳам комил мусулмон, чин мўмин

инсонлар қилиб тарбияламоқчиман. 1998 йили турмуш тақозоси билан Олмалик шаҳрига кўчиб ўтдик. Ҳозир шу ердаги масжид олдида диний-маърифий адабиётлар билан савдо қиламан.

— **Абу Бакр, исломият Сизга нима берди?**

— Қизиқ савол бўлди-ку! Агар мусулмон бўлмаганимда дин-диёнатсиз, даҳрий кишилардан бирига ўхшаб яшаб, жоҳиллигимча ўтиб кетаверардим. Эртадан-кечгача қорин гамида елиб-югурардим. Эҳтимол, айримларга ўхшаб ҳузур-ҳаловатни ичкиликдан топармидим?! Дунёга нега келганимни тузукроқ англамай ҳам ўлиб кетармидим... Аллоҳ асрасин.

— **Ислонга ҳар ким турлича йўллар билан кириб келади, кимдир бирор нарсадан таъсирланиб, кимдир бошқаларнинг даъвати билан... Сиз-чи?**

— Аллоҳга беҳисоб ҳамдлар бўлсинки, кўзим эртароқ очилди, ақлимни олдинроқ топиб олдим. Мени ҳеч ким динга даъват қилгани ҳам йўқ. Менга ҳидоятни Аллоҳнинг ўзи берди, деб ўйлайман. Яшашнинг ҳам қизиғи қолмаганида, турмушдан ҳафсалам пир бўлиб турган бир пайтда У қалбимни Ислон билан бойитди. Безовта, таскин тополмаётган юрагимни ҳидоят билан хотиржам этди. Шунинг учун имон менга гўзал ҳаёт ато

этди, қалб хотиржамлигини, эртанги кунга улуғ ишончни, жаннатни ва Аллоҳнинг жамолини соғиниб яшаш неъматини берди, деб баралла айта оламан.

— **Муҳтарам Ли, сиз Ўзбекистонда яшайсиз, ота-оналарингиз Русиянинг Узоқ Шарқдан кўчиб келишган экан. Эътироф этишингизча, асл ватанингиз Курияда бирор марта бўлмагансиз ҳам. Мусулмон сифатида ватан тушунчаси сизга нималарни англатади?**

— Мусулмоннинг яшаш жойи ватанидир. Қаерда азон янграса, қаерда унинг динига, имонига дахл қилинмаса, ўша ер унинг ватани ҳисобланаверади. Мен мусулмон сифатида Аллоҳнинг белгилаган тақдирдан розиман: Ўзбекистонда, мусулмон биродарларим орасида ўсиб-улғайганим учун ҳам мусулмон бўлиш бахтига эришдим. Алҳамдулилла! Агар бирор ғайримуслим ўлкада яшаганимда, билмадим, қисматим қандоқ кечарди...

— **Ислонга кириб топган ҳикматларингиз билан ўртоқлаша олмайсизми?**

— Бошқалар бир марта “алҳамдулилла” деб Аллоҳга ҳамду сано йўлласа, мен бу табаррук калимани доимо уч мартадан айтаман. Биринчиси, мендай ожиз

бир бандасини Ислом ва имон каби улуғ неъматлари билан ша- рафлантиргани учун. Иккинчи- си, менга ризқ, тан-сиҳатлик, хотиржамлик ато этгани учун. Учинчиси эса, охиратда гуноҳ- ларимни кечиб, жамолига мушар- раф қилмоғи умидида.

Яна топган ҳикматим шуки, дунёда ақлли одам кўп, аммо фаросатлиси кам бўларкан. Агар мусулмон фаросатли бўлмаса, ихлоси суғ бўлади. Аллоҳнинг беҳисоб ҳикмат-мўъжизаларини тафаккур қилолмайди, имони комил бўлмайди.

— **Ҳаётдаги шиорингиз қандай бўлишини истардингиз?**

— Бу дунёда яшасанг гулга ўхшаб яша. Оз умр кўрсанг ҳам, лекин гўзал яша. Ёр жамоли иш- қида парвонадек ён...

— **Олмаликда издошларингиз ҳам борми?**

— Бор. Ҳозиргача тўрт биро- дарим менинг эслатишим билан мусулмон бўлди. Ҳа, шундай деб ёзинг: ҳидоятга Аллоҳнинг ўзи бошлайди, бизлар фақат эслатув- чи, сабабчилармиз. Аммо сизлар- га эътирозим ҳам бор. Жуда кўп русийзабон танишларимиз Ислом динига қизиқишяпти. Аммо ўрис тилида диний адабиётлар йўқ ҳисоби. Борлари ҳам чиққан жо- йининг тайини йўқ, “қўлбола” китоблар. Ислом асослари, иба- датлар ҳақидаги китобларни кўп нусхада чиқарсанглар бўлмайди- ми? “Ҳидоят”ни масжиддаги ўзбек биродарларим катта қизи- қиш билан ўқишларини кўриб ҳам ҳавас қиламан, ҳам шунақа ўрисча журнал йўқлигидан ўки- наман. Мен-ку, ўзбекчани бир амаллаб ўқияпман, аммо тил бил- майдиган қанчалаб ўрисча сўзла- шувчи кишилар Исломга, исло- мий адабиётга ташнадилар...

Аҳмад АХСИКАТИЙ
ёзиб олди

Овқатланиш одоби

Шариат нуқтаи назаридан та- омнинг ҳалол йўл билан топил- ган ва пок бўлиши асосий шарт ҳисобланади.

Таомни оз ейиш керак, қорин- нинг учдан бири овқатга, яна бир қисми сувга, қолгани нафасга қолади.

Гўштли таомлар мунтазам ейилмайди, тарк ҳам қилинмай- ди, қирқ кунгача умуман гўшт емасликнинг зарари бор.

Сут ёки сутли таом билан ба- ликни, тухумни, гўштни, нордон нарсани, қовурилган гўшт билан қайнатилган гўштни, эски гўшт билан янги гўштни, турли мижоз- ли овқатларни бир-бирига ара- лаштириб ейиш ярамайди. Ҳид- ланган нарсани ейиш, жамоатга чиқувчиларнинг хом пиёз ва са- римсоқ истеъмол қилиши ҳам одобга тўғри келмайди.

Таомни қўлларни ювиб, дас- турхон устида ўтириб, ўнг қўл билан, “Бисмиллоҳ” айтиб тано- вул қилинади.

Катталар таомга қўл узатма- гунча бошқалар кутиб туради, катталар ҳам уларни маҳтал қил- маслиги керак. Таом ўз олдидан ейилади, аммо мевани ҳар қай- си тарафдан олса бўлади.

Уч бармоқ — бош, кўрсаткич, ўрта бармоқлар билан овқат ейиш суннатга мувофиқ. Икки бармоқда таом ейиш такабурлик аломатидир. Овқатланиш пайти- да тез ва шитоб билан ейиш соғ- ликқа зарар, қалбни қотиради.

Луқма катта ҳам, кичик ҳам эмас, ўртача олинади, у яхши- лаб чайнаб сўнгра ютилади. Уни ўнг жағ билан чайнаш мақбулроқ.

Оғзидаги таомни ютмай туриб, яна идишга қўл узатилмайди, тишланган таом идишга қўйил- майди, дастурхонга қўйилган таом ёмонланиб, камситилмайди.

Таомни иссиқ ҳолда еб бўл- майди, овқатга пуфланмайди,

хўриллатиб, шапиллатиб истеъ- мол қилинмайди, устида нафас олинмайди, таом ейилаётган қўлни коса ёки товоққа силкитил- майди.

Таом устида хомуш ўтириш, оғизда таом билан сўзлаш, таом еб турган одамга савол бериш, ёнида овқатланаётган кишига на- зар солиш ҳам одобсизлик сана- лади.

Агар имкони бўлса, танҳо ҳолда овқатланилмайди. Мабодо дастурхон атрофида пес, кўтир, яра босган одамлар ше- рик бўлиб қолса, улардан ҳазар қилинмайди.

Таомнинг яхши, сархил, лаз- затли жойини ёши улуғларга ёки шерикларга тутилса, инъом-эҳ- сон қилинган бўлади.

Доналаб санаб ейиладиган таомлар тоқ ейилади.

Қошиқ билан ичишда уни тўл- дириб юборилса, очкўзлик, жуда оз олинса, кибр аломатидир. Ов- қатни дастурхонга тўкиб ёки оқи- зиб ейилмайди, оғиз косадаги та- омга жуда яқин келтирилмайди ва катта ҳам очилмайди.

Сув, чой каби ичимликлар уч бора нафас олиш билан бўлиб- бўлиб, ўтирган ҳолда, “Бисмил- лоҳ” айтиб ичилади.

Мусулмонлар олтин, кумуш идишларда таом ейиш ва сув ичишдан қайтарилганлар. Чинни ва сопол идишларда таом ёки сув истеъмол қилинганида улар лаби учмаган, дарз кетмаган, син- маган бўлиши керак.

Овқатланиб бўлингач, овқат идишларини ва ёғли бармоқлар- ни ялаб, сўнг қўллар сочиққа ар- тилади, дастурхонга тўкилган ушоқ, гуруч ва бошқа емаклар териб олиб ейилади. Дастурхон- га ва таом эгаси ҳаққига дуо ўқиб, берган неъматлари учун Аллоҳ таолога ҳамд-шукрона айтиб, дастурхондан турилади.

Саид Наби ҳожи ВОҚИФ

Яхши ота оила кўрғонидир**Ота васфи**

Яхши ота оила кўрғонидир,
 Меҳрибондир ҳам ҳаё посбонидир.
 Оталар бор уйда қуту барака,
 Оталар бор учун файзли маърака.
 Отанг бирла баробар кўр онангни,
 Боланг олдида камситма отангни.
 Тириклик чоғида отангни қил шод,
 У кетгач, ҳожат эрмас доду фарёд.
 Ота меҳрига муҳтож ўтди умрим,
 Ота қадрин ота бўлгач тушундим.
 Отам ёш кетди, руҳин шод этай мен,
 Дуода хотир айлаб ёд этай мен.
 Отага барча фарзанди баробар,
 Бири олтин, бири гавҳар, бири зар.
 Сепиб буғдой, ҳеч киши арпа ўрмас,
 Қаср деворини хас бирла қурмас.
 Кўчат эксанг, авайлаб парвариш қил,
 Ки раҳмат меваси бўлгай, яқин бил.
 Ҳамиша яхшилик айлаб ёмонга,
 Етиб келдим, шукр, ушбу замонга.
 Жаҳонда ҳиммати пастларни кўрдим —
 Отасин хор қилган касларни кўрдим.
 Худо инъомидур бу олий неъмат —
 Ота бирла она бизга ғанимат.
 Олайлик уларнинг яхши дуосин,
 Топармиз шунда биз Аллоҳ ризосин.

**Ҳикоят**

Халифа Ибн Мансурнинг замони —
 Адолат мулкининг ул посбони.
 Яшарди ота-ўғил икки касиб,
 Ҳалолу пок эди касбга муносиб.
 Ҳеч кишига бермас эрдилар озор,
 Ҳамиша халқ учун хизматга тайёр.
 Ҳасадчилар қилиб минг турли бўҳтон,
 Уларни айладилар банди зиндон.
 Кириб қози ҳасадчилар сўзига,
 Ҳақиқатни қуйиб туҳмат юзига,
 Деди: “Ҳар қайсисин юз даррадан ур,
 Жазони отасидан бошлагин, тур”.
 Отасин бойлашиб қўлу оёғин,
 Ётқизди ўйнатиб жаллод таёғин.
 Ота елкасига тушган ҳар дарра
 Тиларди баданин гўёки арра.
 Ота чурқ этмади тортиб аламни,
 Чиқармай кўзидан қатра намни.



Бўлиб елкаси они тилка-пора,
 Тақдир экан, сабр қилмай начора —
 Жазо навбати то келди ўғилга,
 Нажот излаб боқарди ўнгу сўлга.
 Ўғлин елкасига тушди илк дарра,
 Ота фарёд этиб, тортди бир наъра.
 Халифа тўхтатиб шу он жазони,
 Отадан сўради: “Айт муддаони?
 Сени юз дарра урди, чекмадинг оҳ
 Ва ҳатто қилмадинг зарбига парво.
 Не учун ўғлингни бир урган замон,
 Кўтардинг дод, фарёду фиғон?”
 Ота айтди: “Шоҳим, айланг адолат,
 Оғир тегди менга бу бениҳоят.
 Менинг елкамаки, юз дарра тушди,
 Шукр, унга сабр-бардош етишди.
 Ва лекин ўғлимга тушган бир дарра
 Менинг бағримга тегди, қилди пора.
 Чидолмай нолаю фарёд этдим,
 Оталик меҳридан огоҳ этдим”.
 Бу сўз таъсирида одил ҳукмрон
 Иккисин ҳам озод айлади шул он.
 Тилаб иккисига тавфиқ-ҳидоят
 Бериб инъому эҳсонлар бағоят.
 Кимки тавба қилса, Аллоҳ кечиргай,
 Рост сўзу тавбадан мушкул ечилгай.
 Ота меҳри халос этгай аламдан,
 Қуруқ қолманг, азизлар, бу карамдан.
 Она меҳри ҳамиша ошкора,
 Ота меҳри эрур пинҳон, начора.
 Тилар Воқиф мудом Ҳақдин иноят,
 Ўзи этсин зулмдин элни ҳимоят.

Тошкент



Дилором АБДУРАҲМОН

Шом нафасин тинглайман

* * *

Қабристонда унган кўм-кўк майсалар
 Киприklarдай маъсум, маюс тизилган.
 Япроқлар юзида шабнам томчилар
 Кўз ёшидай мунгли, ғамгин сизилган.

Термуласан, қадим, кўҳна қабристон,
 Қалб уйида нотинч бир оҳ титранар.
 Бунда мангу уйғоқ сукунат сири
 Дилга оқаверар, руҳинг тебранар.

Юракнинг кафтида бир ҳовуч титроқ
Уқтириб туради сўнги йўлингни.
Огоҳ этар, ёдга салади доим
Даҳрда вафодор дўстинг — ўлимни.

Шом нафаси

Руҳ энтикар,
шом ёнади олис шафақда...
ҳислар сирли,
саслар сирли,
уйғониш сирли
қўнгил билан кўргилик оралиғида.
Кўнгил ойдай ярим,
тўрт тарафдан қучади
соғинчнинг бир мунис,
ҳасратли ранги.
Сирли ғамгинликлар ичра
фароғат...
Бунда ажиб нурлар
дилга қўйилар,
Руҳ эса ташнадир
беш буюк ўзгариш остонасида.
Шом оғар
ўз кўҳна салтанатига.
Самовий, сирли боғ чайқалар сокин,
Шом нафасин тинглайман ёлғиз...

* * *

Хаёлларимни,
тушларимни,
соғинчларимни чайиб, поклаётган
денгиз бўйларида қолаётирман.
Томчилардай маюс,
маҳзун милтиллаётган
илтижолни нигоҳларингни
қўзларимга суриб,
сени чорлаётган манзилларни
дуо қиламан.
Боравер, боравер, мени қарғама...

* * *

Онажон,
ҳузурингизда
тозариб кетади дунёлар.
Сиз мени яна элтиб қўясиз
намозшомгүл бўйларига.
Сўз келади
қўнгилнинг шевасида
армонга монанд,
армонларимнинг ранги осмонга монанд.
уларга термуламан,
қўзларим тинаверар,
осмон меникидек туюлаверар.



Фақат
оёғимдаги оғир
ковушим заминнинг бир бўлагидир...

Жомбой



Хайруллоҳ ҚОСИМ

Умр ойнасига боқиб

* * *

Маъсум майсалардан улуг дарахтларгача
қовжиратиб олов пуркади самум.
Такаббур иттиканаклар
фақат биз ҳақлимиз
бу тупроқда яшашга,
деган каби сўппайиб қолди.
Майсалар яшил туғларини кўтарсин,
бобо дарахтларнинг қақшаган танлари
зумрад ҳарирларга ўрансин, дея
Раҳматингни тилаб,
ёлворар қалбим...

* * *

Ҳориган деҳқонга тасалли излаб
замҳарир чаноқларда
жунжикар пахта.

* * *

Аллоҳ изни ила келиш-кетишда
қатъий фасллар...
Умидвор яшашга ундайди баҳор,
ёруғ кунларга гувоҳлик берганича ёз
қуёш нурларига чулғар оламини.
Жондорлар насибасига иккиқат
куздан бир хушхабар
кутиб яшаймиз...
Сўнг танбеҳ ва ибрат китобини
варақлайди қиш...
Фасллар қаватида
дақиқалар Аср пойига ёпишар,
Аср зийнатига эваз — шукрона қайда?

* * *

Умр ойнасига боқиб,
ҳорғин сиймони кўрдим.
Кечмиш йиллар ўз хати ила
не-не рост битиклар чекмишдир...
Истиқбол неларни ёзар,
не чизгилар тортар,
қайси имлода?

Наманган

РАМАЗОН БАЙРАМИ

Мусулмонларнинг икки улуғ байрамларидан бири. Рамазон ойида тутилган бир ойлик рўзадан сўнг нишонланади. Бу кунда фитр садақаси берилгани сабабли Рамазон байрамини “Фитр байрами” ҳам дейилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага ҳижрат этганларида мадиналиклар кўнгил очиб, хурсандчилик қиладиган икки байрам бор эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорларга хос, жоҳилиятдан қолган бу байрамлар ўрнига барча мусулмонлар хурсандчилик қиладиган Исломининг икки байрамининг хабарини бердилар: “Аллоҳ таоло сизлар нишонлайдиган бу икки байрам ўрнига янада хайрлироғини, Рамазон ва Қурбон байрамини ҳадя этди” (*Сунани Абу Довуд, “Салот”, 239*).

Рамазон байрами бир ойлик рўзадан сўнг ебичиш ва ҳар қандай ҳалол неъматлардан фойдаланиш мубоҳ бўлган, мусулмонларнинг бир-бирларини зиёрат этиб, ҳадялар улашадиган, болаларга, фақир ва етим-есирларга садақа бериб, уларни хурсанд қиладиган, булардан ташқари, Аллоҳ олдидаги бурчни ҳис қилган ҳолда жамоат бўлиб намоз ўқиладиган шодиёна кундир. Рамазон ҳайити куни рўза тутиш ҳаромдир.

Рамазон байрамида эрта туриш, гусл қилиб, тоза (имкон бўлса янги) кийимларни кийиш, бадбўй таомлардан узоқ бўлиш, оғизни мисвок билан тозалаш, хушбўй нарсалар суриш, сочсоқол, тирноқ ва бошқа ерлардаги тукларни суннатга уйғун шаклда тозалаб, текислаш мустаҳаб ва Ислом одобига хос гўзал одатлардандир. Шунингдек, кишиларнинг бир-бирига бошқа кунлардагига нисбатан хушмуомала бўлишлари, бирликда жамоат намозига боришлари, намоздан олдин хурмо ёки бирорта ширинлик ейиш (битта, учта, бешта каби тоқ бўлишига эътибор бериш керак), намозга кетаётганида Аллоҳни зикр этиш, учраган мусулмон билан саломлашиб, табриклаш Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидир. Қариндошларни зиёрат қилиб, ҳол-аҳвол сўраш, отонанинг кўнглини олиш мусулмон фарзандининг бурчидир.

Байрам кунда имкон қадар садақа бериш,

янада кўпроқ мусулмонлар билан қўришиш учун намозга борган йўлдан юрмай, бошқа йўлдан қайтиш ҳам суннатдир.

Бомдод намозидан сўнг байрам намозигача ҳеч қандай намоз ўқилмайди. Ибн Аббосдан ривоят қилинган бир ҳадисда шундай дейилади: “Набиййи Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фитр байрами куни фақат икки ракат намоз ўқидилар. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам ҳеч қандай намоз ўқимадилар” (*“Тажриди Сарих”, III, 174*).

Байрам намозининг жомеъ масжид каби ёпиқ жойлардан кўра, кенг ва очиқ майдонда ўқилиши суннатга мувофиқдир. Байрам намозлари Мадинадан минг аршин узоқликдаги бир жойда (“Мусолла”) ўқиларди. Абу Саид ал-Худрийнинг айтишича: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фитр билан қурбон байрами кунлари Мусоллага чиқардилар. Олдин намоз ўқиб, сўнг жамоатга юзланиб, тик турган ҳолатда ваъз қилардилар”.

Байрам намозида азон айтилмайди. Бу ҳақида жуда кўп ҳадислар ривоят этилган. Бироқ қавмининг намозга кеч қолмаслиги учун чақириниш ҳақидаги мурсал ҳадислар ҳам мавжуд. Масалан, “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) байрамларда “ассолату жамиъаҳ” (жамоат бўлиб намоз ўқишга келиш) деб чақиринишни муаззинга буюрдилар”. Бу ривоятга амал қилиб, “Намозга келинг” каби сўзлар билан намозга чақириниш макруҳ бўлмайди. Лекин “Ҳаййа алас-солаҳ” каби азон сўзлари билан чақириниш, макруҳдир” (*“Тажриди Сарих”, III, 181*), деган олимлар ҳам бор.

Байрамларда кўнгил очиш, ҳатто қизиқарли ўйинлар ўйнаш мумкин. Бироқ исломий қонунқоидаларни, ҳалол-ҳаромни, ҳаё туйғусини, босиқликни унутмай, исрофдан сақланишни эсдан чиқармай, мусулмон шахсиятига ярашадиган бир шаклда байрамни нишонлаш лозим.

ҚАНДАЙ ҚИЛСАК, ЯХШИЛАРДАН БЎЛАМИЗ?

Ҳижратнинг тўқсон еттинчи йили халифа Сулаймон ибн Абдулмалик зиёрат учун Мадинага келганида Мадинанинг қозиси, олими ва имоми бўлган Салама ибн Дийнор билан учрашиб, ўзини қизиқтирган саволларга қуйидагича жавоблар олган экан.

Савол: Нега биз ўлимни ёмон кўраемиз?

Жавоб: Чунки биз дунёимизни обод қилиб, охиратимизни хароб қилдик, шунинг учун обод жойдан хароб жойга кўчиб ўтишни ёқтирмаймиз.

Савол: Қанийди Аллоҳнинг ҳузурини бизлар учун нима бўлишини билсам?

Жавоб: Қилаётган амалларингни Қуръонга солиштирсанг, буни билиб оласан: Аллоҳ таоло Қуръони каримда бунинг хабарини берган: **“Албатта, яхшилар (мўминлар) неъмат (жаннат)дадирлар. Фожирлар эса дўзахдадирлар”** (Инфитор, 13—14).

Савол: Унда Аллоҳнинг раҳмати қаерда?

Жавоб: **“Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир”** (Аъроф, 56).

Савол: Эртага (қиёматда) Аллоҳнинг ҳузурини боришимиз қай ҳолатда бўлишини билсам эди?

Жавоб: Чиройли амаллар

қилувчи яхшилар, оиласига қайтаётган мусофир каби. Гуноҳ ишларни қилувчи осийлар эса, қочиб кетган қулнинг хожасига олиб келинаётган ҳоли каби бўлур.

Савол: Қандай қилсак, яхшилардан бўлаемиз?

Жавоб: Ўзингдан манманликни кетказиб, мурувват билан безансанг.

Савол: Мана бу молу давлат, унда Аллоҳга тақво қилишнинг йўли қандай?

Жавоб: Бунинг йўли уни ноҳақ олмаслик. Уни ҳақдор кишиларга бериш. Уни тенглик ила тақсим қилиш ва халқ ўртасида адолатли бўлиш...

Савол: Инсонларнинг афзали кимлар? Хабар бер.

Жавоб: Мурувват ва тақво эгалари.

Савол: Одил сўз қайси сўздир?

Жавоб: Кишининг ундан кўрқиб турган ёки ундан умид қилаётган одам олдидаги айтган ҳақ сўзидир.

Савол: Тезда қабул бўлувчи дуо қайси?

Жавоб: Яхши одамнинг яхшилар ҳақида қилган дуосидир.

Савол: Афзал садақа қайсидир?

Жавоб: Пули кам ки-



шининг пули йўқ кишига миннатсиз берган садақаси.

Савол: Энг ақлли одам ким?

Жавоб: Аллоҳга итоат қилган ва бошқаларни ҳам шунга далолат қилган одам.

Савол: Энг аҳмоқ ким?

Жавоб: Золим дўстнинг орзу-ҳаваси билан ҳаёт кечириб, бировнинг дунёси билан ўз охиратини сотган кимса.

Савол: Менга насихатинг?

Жавоб: Парвардигорингни улуғла. Раббинг сени қайтарган ўринларда сени кўришидан ва сенга буюрган ўринларда сени топмаслигидан сақлан. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

*“Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар” китобидан
Камолиддин
ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли
таржимаси*



Қозоқвой бува узоқ умр кўрган. Охирги хон замонлари, Чор Русияси истилоси, бошовойларнинг қирғин бароти, совет даврининг даҳрийликларига гувоҳ бўлган. 113 ёшга кириб, 1962 йилнинг қутлуғ Рамазон ойида бандаликни бажо келтирган.

Қозоқвой ҳожи Аллоҳ берган бу умрни мазмунли яшади. Илм ўрганди, ўргатди, жоҳилларнинг азиятини тортди. Лекин ҳақ йўлдан чекинмади. Қўлидан келганича муҳтожларга ҳиммат кўрсатди. Яхшиликка ортиғи билан жавоб қайтарди. Ҳаж ибодатини ўтади.

Мана бу ибратли воқеалар Қозоқвой Фарибий ҳаётидан кичик лавҳалардир.



ШУНДАЙ ИНСОНЛАР ЎТГАН

* * *

Ўтган асрнинг 27—28-йиллари олтмиш бешдан ошган, Марғилон мадрасаси мударриси бўлган Қозоқвой ҳожини “бидъатчи”, “ёт ун-сур” деб калтаклашиб, беҳуш ҳолда кўчада ташлаб кетдилар.

Эрта тонгда кўчага чиққан косиб Улуғхўжа эшон Қозоқбой ҳожига дуч келиб, уйига олиб кетди. Табибга кўрсатиб, даволатди. Парвариш ва муолажалардан ўзига келиб, соғайган Қозоқвой ҳожи Улуғхўжа эшондан:

— Сизнинг бу яхшиликларингизни қандай қайтарсам экан? — деб мунтазир бўлди.

Улуғхўжа эшон хизматлари беминнат эканини айтса-да, Қозоқвой ҳожи истиҳола билан бир таклифни ўртага ташлади:

— Агарда рози бўлсангиз, менинг қизим бор, ўғлингиз рози бўлса, шунга никоҳланса.

Аввалдан Қозоқвой ҳожига ҳурмати баланд Улуғхўжа эшон бу таклифни миннатдорлик билан қабул қилди. Ва ўқимишли, ота касби косибликни эгаллаган 22 ёшли Муҳаммаджон Улуғхўжа ўғли билан 16 ёшли Маликахон Қозоқвой ҳожи қизининг тақдири қўшилди.

Нимадир бўлиб, эр-хотин аразлашиб, бир куни Маликахон отасиникига йўл олди. Қизининг авзойиданоқ нима гаплигини пайқаган Қозоқвой ҳожи хотинига буюрди. “Тезда овқатингизни пишингиз, Маликахон есину кетсин”. Аёли бошқа гапга оғиз жуфтлаёлмай ҳам қолди. Ташқарига қизини кузатиб чиққан она:

“Иккинчи марта бунақа атворда бу ерга келма. Айтмасанг ҳам ҳаммасини кўриб, билиб турибмиз. Даданг жуда хафа бўлдилар”, деди. Бу воқеа Маликахонга бир умрлик сабоқ бўлди.

* * *

30-йилларда советлар Қозоқвой ҳожининг пахта экиладиган ерларини, уй-жойларини мусода-

ра қилишди. Қариндошларни бир-бирига қайрашни қарангки, унинг уй-жойини ота бир, она бошқа ўз инисига сотишди.

Қозоқвой ҳожи чекқадаги Бўстон қишлоғига бориб, ер сотиб олди. Ўзи гувала қуйиб, бир уй, бир айвон тиклади. “Мен дунёнинг кўп роҳат-фароғатларини кўрдим, бу ёғига шуниси ҳам кифоя”, дея умрининг охиригача мана шу гувала уйда яшади. Энг сара узум навларидан пастаккина ишкоми бўлган бу ҳовли кишининг кўзига иссиқ кўринарди.

Бу одмигина уйда, қиш кунлари сандал, ёзда шундоқ шолча устида дастурхон ёйилган бўлар, кўпинча бир дарди бор ё муаммоси чиққан меҳмонлар Қозоқвой ҳожидан маслаҳат сўраб келишар эди.

Айвончада эса ҳожининг аёли тиниб-тинчимас, қумғоннинг ўти ўчиб қолмасин деб куймаланар, ёнидаги айрим тугунчаларнинг бир учига 3 сўм, 5 сўмликлар тугилган бўлар эди...

Қозоқвой ҳожи бу пулларни ўша куннинг ўзида серфарзанд оилаларга бўлиб берарди. Болалари орасида рўзғори энг катта қизи Маликахонники бўлгани учун куёви Муҳаммаджонга “Сиз аёлмандсиз” деб кўпроқ қарашиб турар эди.

* * *

Қозоқвой ҳожи тўрт фарзанд кўрди. Уларга элнинг олди қилиб таълим-тарбия берди. Аввало, қалбларига Исломни юқтирди. Шу боис маҳалла аҳли ҳурматлаб ўғилларини “Комил қори”, “Фозил қори” деб атар, катта қизи Шарофатхонни “отин ойи” деб чақирди эди. Бироқ Қозоқвой ҳожи улар ҳақида бирон ноҳўя гап эшитишни истамасди. Бир сўзликни яхши кўрар эди. Катта ўғли Комил қорини уйлантиришди. Келин чиройли, меҳнатқаш, яхши кишиларнинг фарзанди чиқди. Фақат овози эркакларникидай сал йўғон экан. Келинни биринчи марта чимилдикда кўрган Комил унинг овозига кўникол-

САБР АЗОБИ

май, бирга яшамайман, деди. Аммо отаналари, айниқса, Қозоқвой ҳожи бу гапни эшитишни ҳам хоҳламади:

— Мен бировнинг боласини қайтариб уйига олиб бориб қўйиш учун келин қилганим йўқ.

Келинга нисбатан кўнгли илимаган ўғли Комил ҳам фикридан қайтмади.

Шунда Қозоқвой ҳожи:

— Комил қори шу уйда яшайман деса, келин билан рўзғор қилади. Хоҳламанса, истаган жойига бориб яшасин, — деди. Шу гап айтилган кундан эътиборан Комил уйига қайтмади...

Бу воқеа гўёки “Ўткан кунлар” рўмонига Юсуфбек ҳожининг “Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак” деган лафзининг ҳаётдаги исботига ўхшайди.

Оғир ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган бу инсон “Ғарибий” тахаллусида ёзган шеърларидан бир баёз ҳам тузган эди.

Муҳтарама УЛУҒОВА

ҒАРИБИЙ

*Баҳорим бўстон бўлди,
ки боғимдин ҳаво чиқмас,
Чу булбул нола қилсам,
ғунчаи гулдин садо чиқмас.
Дилим хуноба бўлди ул
паризод ишқидин дўстлар,
Бўлиб чун ғунчаи гул
очилич бўйи вафо чиқмас.
Муҳаббат дардидин бўлдим
букун бир ошиқи Мажнун,
Кўриб бу ҳоли дардим
Лайлидин дору даво чиқмас.
Солиб бозора ўзин ким
харидора кўринмасдан,
Кўлимда нақди жоним бор,
очиқ савдо, баҳо чиқмас.
Ниқоб ичра туриб ўзи,
юзин ҳар кимга кўрсатгай,
Кўролмай юзини ошиқ
наво қилса, садо чиқмас.
Муҳаббат дардига ҳар ким
жаҳонда мубтало бўлса,
Анинг қалби сафосидин
бўлак ёри сафо чиқмас.
Ғариб, андишаи фикринг чуқур,
лутфинг баланддирки,
Ва гар тафсири маъносин
ўқиб кўрса, хато чиқмас.*

Марғилон

Ҳар бир сониянинг жони бор. Жон бериш азоби дақиқалар учун ҳам осон кечмаган. Агар тананинг бирор ери лат еса, бутун вужуд зирқираб оғригани каби, жонга бирор иллат ва ё зиллат етса, бутун жаҳон оғрийди. Бу оғриққа бардош душвор.

Йўқса, ҳазрат Алишер Навоий:

“Сабр бор ерда айрилиқ ўтида куйганларга ўлишдан ғам йўқ,

Иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ”, демас эдилар.

Модомики ер остида қабр азоби ҳақ экан, ер устида сабр азоби бўлади.

Яна ҳазрат Навоийнинг иқрори:

“Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баробар,

Сабр даштида дам олиш югуриш билан тенг”.

Қалбимиздаги ўт ҳар нени куйдиргудек ловуллаиди (юрагим отнинг гўштидек титиллади). Унга “**Ла илаҳа иллаллоҳ...**”ни селиб, “**Алам нашроҳ...**”ни пуркасам, (тиловат қилиш маъносида) бир оз ўчгандек бўлади.

Ҳақиқий тақво эгаларининг таналари дўзах оловига ҳаром этилган бўлса, мазлумларнинг юрагида ловуллаб ёнаётган олов учун ҳаром луқманинг ўзи топилмайди. Дунё бор бўйича унга ҳалолдир. Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этганлар: “Мазлум музаффардир...”

Иброҳим Халилulloҳни куйдириш учун ёндирилган Намруднинг улкан оловини ўчирмоқчи бўлиб, сув ташиган қалдирғоч каби умидданман. Иброҳимни оташ бағри-

дан соғ-саломат кўтарган, Юнусни балиқнинг қорнидаги зулматдан чиқариб олган, Айюбга соғлиғи, бойлиғи, дину дунёсини қайтарган сабр Эгаси бизни-да дунё ғамхонасидан озод этгусидир.

Ҳазрат Алишер Навоийдан йироқ кетгим йўқ:

“Сабр ҳажр шомидек қоронғу ва узун, аммо сўнги висол тонги, Сабр ҳажр йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳоят иқбол Каъбаси”.

Юсуф (алайҳиссалом) зиндондан қутулиб чиқар чоғида эшиги устига уч оғиз сўз ёзиб қолдирмиш эди: “**Бу жой тирикларнинг қабридир, душманларни суюнтирур, дўстлар синалгусидир...**”

Сабр азоби ҳақ, лекин у жуда ширин неъмат.

“Сабр қилувчилар билан биргаман”, дея марҳамат этилади-ю, ундан тотлик нарса топиладими? Кўнгилда кўмилиб ётган туйғуларни изҳор этиш билан сабр тугуни бўшамагай деган ни-
ятда,

Сурайё ЗОҲИР



ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

“Силсила ул-орифин” асарида келтирилишича, Хожа Убайдуллоҳ — Аҳрор 806 ҳижрий йилнинг Рамазон ойида, яъни, 1404 милодий йилнинг март ойида Тошкентда дунёга келган. Хожа Убайдуллоҳнинг насаби Муҳаммад Номий Бағдодийга бориб етар экан. Х асрда яшаган Муҳаммад Номий шу даврда Шошнинг машҳур уламоларидан бўлмиш Абу Бакр Муҳаммад Қафтол Шошийнинг шуҳратини эшитиб, Бағдоддан Шошга — Тошкентга келиб, ундан сабоқ олади ва Шошда турғун бўлиб қолади. Хожа Убайдуллоҳнинг отаси ана шу хонадон фарзандларидан эди. Хожа Убайдуллоҳнинг онаси Хожа Довуднинг қизи бўлиб, Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тоҳур (Шайхонтоҳур)нинг ўғлидир. Шайх Хованди Тоҳурнинг отаси эса Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган шайхлардан Умар Боғистонийдир.

Хожа Убайдуллоҳнинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. У ўша замон удумига кўра, мактабга борган ҳамда тошкентлик алломалар, хусусан, Абу Бакр Қафтол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, шайх

Зайниддин Кўйиорифонларнинг ҳаёти ва фаолияти билан кўпроқ қизиққан, уларнинг мақбараларини доимо зиёрат қилиб турган.

У вояга етаётган оила аъзолари ўз замонининг маърифатли кишилари эди. Жумладан, тоғаси Хожа Иброҳим мадраса таълимини олган, асрнинг Сайид Шариф Журжоний каби забардаст алломаларидан баҳраманд бўлганлардан бири эди. Шунинг учун у жияни Убайдуллоҳнинг ҳам ўқишни давом эттиришини истар ва уни бу ишга рағбатлантирарди. Бу ҳақда Хожа Убайдуллоҳ шундай ҳикоя қилади: “Тоғам менинг ўқишни давом эттиришимни ниҳоятда истардилар. Шу мақсадда у киши мени Шошдан ўзлари билан бирга Самарқандга олиб келдилар”. Бу воқеа Убайдуллоҳнинг 23-24 ёшлигида, яъни, 1427 йили содир бўлган. Хожа Иброҳим жиянини Шошдан Самарқандга олиб келиши бежиз эмасди. Чунки бу даврда, яъни, Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилаётган вақтда Самарқанд Мовароуннаҳрнинг илм ва адабиёт маркази сифатида шуҳрат таратган эди. Убайдуллоҳ бу шаҳарга келгач, тоғаси Хожа Иброҳим уни мавлоно Кутбиддин садр мад-

расасига жойлаштиради ва кўп мутолаа қилиш зарурлигини уқтиради.

Убайдуллоҳ мутолаа ва уламолар билан мулоқотда бўлиб, ўша даврда Самарқандда яшаган машҳур уламо Саъиддин Қошғарий (вафоти 1456 йили, Ҳирот) ва Самарқандга келган амир Сайид Қосим Анварнинг (туғилган йили 1356, вафоти 1434) суҳбатларидан баҳраманд бўлди.

Убайдуллоҳ Сайид Қосим Анварда яхши таассурот қолдиради. Сайид Қосим ўзининг ҳаммаслаги мавлоно Фатхуллоҳ Табризийга бир суҳбат чоғи бундай деган экан: “Агар сен саодатга эришмоқни истасанг, бу туркистонлик йигит (Хожа Убайдуллоҳ) этагини маҳкам тут. Чунки у замоннинг аъжубаси бўлиб, ундан кўпгина ишлар содир бўлади”.

Убайдуллоҳ ўзига маънавий пирни топишга интилади. Шу ниятда у 1428 йили Ҳиротга боради. У ерда тўрт-беш йил (1428-1433) яшаб, шайх Баҳоуддин Умар, шайх Зайниддин Хавофийлар суҳбатларида қатнашади. Шайх Баҳоуддин Умарга кўпроқ муурожаат қиларди, чунки у камтарлиги, халқ билан очиқча — самимий му-

лоқот қилиши Убайдуллоҳга ёқиб қолган эди. Ундан нақшбандийа тариқати бўйича кўпгина билим олди. Аммо шайх Баҳоуддин Умарни маънавий мурушид — пир сифатида қабул қилмади. Сабаби, у билан қилган суҳбатлари давомида ўзини банд қилган бир муаммонни ҳал қилишга эриша олмаган эди. Бу муаммо эса, она томонидан бобоси шайх Хованди Тоҳурга унинг отаси шайх Умар Боғистоний айтган қуйидаги сўзлар эди. Шайх Умар Боғистоний ўғли шайх Хованди Тоҳурга шундай деган экан: “Тоҳур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма, мусулмон бўл!” Бунда қандай ҳикмат бор? Мулло, сўфий ва шайх мусулмон эмасми? Унда мусулмон ким? Бу ва шунга ўхшаш саволларга Хожа Убайдуллоҳ жавоб топишга интиларди. Шу мақсадда у 1432 — 1433 йиллари Чағониён (ҳозирги Сурхондарё ва қисман Қашқадарё) вилоятининг Хулғуту мавзеида тургувчи, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди мавлоно Яъқуб Чархий (вафоти 1447 йил) қошига келади, ундан нақшбандийа тариқати асосларини ўрганади ҳамда унинг “Рисолаи унсия”сини мутолаа қилади. Убайдуллоҳ Мавло-



но Яъқуб Чархий сиймосида ўзи интилган маънавий пирни кўриб, уни муршид сифатида тан олади. Шундан сўнг Тошкентга қайтади ва деҳқончилик билан шуғулланади.

Хожа Убайдуллоҳ ҳаётининг Шош даври ҳақида маълумотлар оз. Хожа Аҳрор Мирзо Улуғбекнинг кўеви Мирзо Абдулло (1450—51 йиллар) ҳукмдорлиги даврида унинг қабулида бўлиш нияти билан Самарқандга келган, аммо ниятига эриша олмай, Шошга қайтган. Мавлоно Дарвеш бундай гувоҳлик беради: “Султон Абу Саид мирзо ҳокимлиги бошлангач, подшоҳ ҳазрати Хожа Убайдуллоҳни Тошкентдан Самарқандга кўчиртириб келтирди. Хожа Убайдуллоҳ Самарқандга кўчиб келганида биринчи бўлиб биз у ҳазратнинг мулоқотларига мушарраф бўлдик”.

Хожа Убайдуллоҳ 1451 — 1452 йилларда Самарқандга кўчиб келгач, унинг обрў ва мартабаси тезда ошиб кетади. Бу ҳол 1454 йили сотиб олинган ҳовли васиқасида яққол кўзга ташланади. Чунки унда Хожа Убайдуллоҳ олий мақом, илоҳий сирларнинг орифи ва мазҳари, давлат ва дин шарафи каби унвонлар соҳиби ҳамда фуқаро ва ақобирлар пуштипаноҳи сифатида тилга олинади.

Хожа Аҳрорнинг қуйидаги сўзлари ҳам унинг ҳаракат дастури тарзида тушуниларди: “Агар биз шайхликни бўйнимизга олсак эди, унда биронта шайх мурид топа олмасди. Аммо бизга бошқа масъулият, яъни, мусулмонларни золимлар зулмидан амонга қилиш вазифаси юклатилган. Ана шуни ҳамла ошириш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида подшоҳлар билан мулоқотда бўлиб туриш, уларнинг ишончини қозониш лозим. Агар машойихлар ўз вақтларини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар, биз фуқаро учун ўз вақтимизни аямаймиз”. Бу сўз ва ҳаракат маромномаси Хожа Убайдуллоҳнинг ўз бобокалони шайх Умар Боғистонийнинг ўғли шайх Хованди Таҳурга айтган ҳикматли сўзи мазмунини, яъни, мусулмон бўлиш — фуқаро манфаатлари учун яшаш эканини ўзи учун кашф қилганидан далолат беради. Унинг фаолиятидаги кўп масалаларни шу жиҳатдан тушуниш ва шарҳлашга тўғри келади.

Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида Хожа Убайдуллоҳга қарашли мол-мулк, ер ва катта бойликлар тўпланади. Хожа Убайдуллоҳ ўз ихтиёридаги ер ва мулкдан келадиган даромадларни халқ бошидаги солиқларни тўлашга, мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа хил қурилишларга сарфларди. Хусусан, Умар Шайх Мирзо Шош аҳолисидан 250.000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганида Хожа Убайдуллоҳ бу солиқнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна кўшимча тарзда 70.000 динорни ҳам

солиқ тўловчиларга топширган. Султон Аҳмад Мирзо хазинасига эса 10.000 кумуш тангани топширган. Шунинг учун халқ Хожа Убайдуллоҳни сахий, жавонмард, қўли очиқ ва покиза инсон сифатида танир, уни «Хожаи Аҳрор» деб улуғлар эди.

Адабиёт намояндалари, жумладан, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, кейинчалик эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам унга катта эътиқод қўйиб, уни ўзларига маънавий пир сифатида қабул қилишган эди.

Шундай қилиб, XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётда катта мавқе эгаллаган Хожа Аҳрор ўз асрининг ниҳоятда мўътабар сиймоларидан бирига айланди.

Манбаларнинг, жумладан, “Тарихи касира”нинг маълумотига кўра, Хожа Аҳрор 895 ҳижрий йилнинг ражаб ойида, (милодий 1490 йил феврал ойининг 21 кунини) Камонгаронда оламдан кўз юмган. Унинг табаррук жасади хожа Кафший маҳалласи мазорига (ҳозир Хожа Аҳрор мазори) дафн этилган.

Хожа Аҳрордан бизга мерос қолган асарлар:

1. “Фикрот ул-орифин” ёки айрим нусхаларда “Воридот” деб аталиб, тасаввуф аҳли, жумладан, Хожа Аҳрорнинг турли масалаларга оид фикрларини қамраб олган, форс тилида ёзилган насрий асар.

2. “Рисолаи волидия” ёки “Мухтасар”. Бу асар Хожа Аҳрорнинг отаси хоҳиши билан ёзилгани ва мухтасар бўлгани туфайли юқоридаги номлар билан аталган. Асарда ахлоқ-одоб ва инсоннинг ўзини таниши масалаларидан ҳам сўз юритилгани сабабли у кўп мухлисларга эга бўлган.

3. “Рисолаи ҳавроия”. Бу асар машҳур шоир Абу Саид Абулхайрнинг бир рубоийи шарҳига бағишланган. Бу бежиз эмасди. Чунки бу рубоий Хожа Аҳроргача бўлган даврда ҳам машҳур бўлиб, унинг шарҳига бағишлаб, Сайид Неъматуллоҳи Валий уч рисола, Амир Сайид Қосим Анвар бир рисола ва Шайх Озарий бир рисола ёзган эдилар.

4. “Руқаот” — “Мактублар”. Хожа Аҳрор ўз замонадошларидан кўпига турли муносабат билан мактублар ёзган. Бу мактубларнинг ҳаммаси ҳам сақланган деб бўлмайди. Аммо Хожа Аҳрорнинг Алишер Навоийга ёзган мактубларини улуғ ўзбек шоири ниҳоятда авайлаб, уларни бошқа шахслардан келган мактублар билан бирга тўплам ҳолига келтирган.

Ботурхон ВАЛИХЎЖАЕВ,
филология фанлари доктори

ДУНЁДА МАСЖИД, ОХИРАТДА ҚАСР

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қурилиш ишлари бўйича мутасаддийи
Абдулаҳад ҳожи АБДУРАҲИМ билан суҳбат

— Ҳожи ака, аввало, Аллоҳ таоло пойтахтимизнинг Янгиобод маҳалласида қад ростлаётган Холид ибн Валид номидаги янги муҳташам масжидни юртимизга муборак қилсин. Савобли ишларингизда сизга, масжид қурилишида қатнашаётган барча қурувчи усталарга Ўзи мададчи бўлсин.

— Омин. Бу масжид эскисининг ўрнига қуриляпти. Қисқа муддатда анча ишлар қилинди. Баҳорда бошланган эди, Рамазонга катта хонақони қуриб битказдик ҳисоб. Ҳозир таровеҳ намозлари шу янги хонақода ўқиляпти. Рамазоннинг илк ўн беш кунинда Қуръон хатм қилинди.

— Одатда, масжид ва мадрасалар кўпчиликнинг иштироки билан қурилади. Ким маблағи, ким кучи, ким дуоси билан, дегандай...

— Тўғри айтдингиз. Аллоҳга шукр, савобталаб одамлар кўп экан. Айниқса, Янгиобод маҳалласи халқига қойил қолдим. Ҳеч ким четда тургани йўқ. Кекса отахонларимиз ҳам, қани, бизга қанақа хизмат бор, деб даярли ҳар кунни қарашиб туришди. Ўзига тўқлар қурилиш ашёларини олиб беришди. Усталаримиз ҳам тиним билмай ишляшяпти ўзиям. Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин.

— Ҳожи ака, бу масжид қурилиши баҳона аввалги ишларингизни ҳам бир эслаб ўтсак.

— Мустақилликка эришганимиздан кейин арабистонлик ватандошларимиз, бизлар ҳам юртнинг бирон-бир қорига ярасак, савоб ишлар қилиб қолсак, деб эски масжидларнинг таъмирига, янгиларини қуришга хайр-эҳсонлар қила бошлашди. Бу ишларнинг тепасида ҳожи Нўъмон Тўшкандий (Аллоҳ раҳмат қилсин) турдилар. Шу кишининг таклифлари билан дастлаб Эски шаҳардаги Тўхтабой-

вачча жомеъининг таъмирида қатнашдим. Кейин Ўрикзор даҳасидаги масжид-мажмуанинг қурилишида устабошилиқ қилдим. Шу билан бошланиб кетди. Бу ёғи Кўкчада Шайх Зайниддин, Чорсуда Хожа Аҳрор Валий, Чирчиқда “Марказий” жомеъ масжидлари қуриб битказилди. Мана энди Янгиобод маҳалласида Холид ибн Валид масжиди қуриляпти.

— Ҳожи ака, исломий мейморлик энг аввал шариятимиз ҳукмларига, масалаларига суянади. Яқин ўтмишда оддий уйлар қурилиши ҳам олдин қиблани ақинлашдан бошланарди. Уйнинг тўри қиблага тўғриланарди, эшик орқага ўрнатиларди. Кирувчи ичкарида намоз ўқиётган одамга халақит қилмаслиги биринчи талаб бўлган. Хонақолар лойиҳасида ҳозир ҳам бунга эътибор берилляпти-ю, аммо масжид ҳовлисига кириш дарвозалари баъзан қибла томонга қуриб қўйилляпти. Масалан, Хожа Аҳрор Валий жомеъининг асосий дарвозаси шундай. Жума ёки ҳайит намозлари пайти одамлар ҳовлига тошиб чиққанида ҳовлидагилар қиблага қараб ўтиришади, кечикканлар рўпарадан кириб келишади. Ўртада сафни тўлдирмай йўлакча қолдиришга тўғри келяпти. Намоз бошланиб қолса, “йўлакча” очиқ қолиб, сафда узилиш бўлиб қоляпти, бу ҳол эса, масалага зид. Лойиҳа пайти шу ҳолларга ҳам эътибор берилиши шарт эмасми?

— Шундай. Энди, Хожа Аҳрор Валий масжид қурилишида атроф-жойнинг тузилишини ҳисобга олишга мажбур бўлганмиз. Аммо кечикиб келувчилар ҳовлида саф олиб турганларга халақит қилмаслиги учун намоз бошланишидан сал олдинроқ бу дарвозани беркитилса, ўртада йўлак қолдирмай,

сафларни тўлатиб олиш мумкин. Кечикканлар ён томондаги ёки орқадаги эшиклардан кираверишади. Умуман олганда, лойиҳада буни ҳисобга олиш керак, деган фикрингиз тўғри.

— Яна бир гап. Намозда сафнинг текислиги, ораларда бўш жой қолмаслиги муҳим масала. Мазҳабимизга кўра, масжид ҳовлиларида боғ ё гулзорлар ташкил этиш макруҳ ҳисобланади. Айни шу сафларнинг мукамаллигига эришиш учундир балки.

— Мулоҳазаларингиздан менда бир фикр туғилди. Бундан кейинги ишларда лойиҳани алоҳида муҳокама қилиб олиб, дейлик, фикҳий масалаларни яхши биладиган одамнинг ҳам назаридан ўтказиб олиш лозим экан.

— Кўкчадаги ва Чорсудаги масжидлар пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб, улғуворлиги билан ажралиб турибди. Лекин шундай бўлса ҳам, менинг назаримда, ҳали мамлакатнинг бош масжиди қурилмагандай, ҳозиргилари ўшанинг йўлида бир тажрибадай туюляпти.

— Ичимдаги гапни айтдингиз. Менинг энг катта орзуйим ўша масжиднинг қурилишида ҳам иштирок этиш. Мамлакатга келган оддий сайёҳлардан тортиб расмий меҳмонларгача Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган Ҳастиимом маҳалласига келмай қолмайди. Рўпарадаги Тиллашайх масжиди эса, торлик қилиб қолди. Аллоҳга шукр, ҳозир бу ерда катта бир мажмуа қуриш ғояси амалга ошай деб турибди. Хомаки лойиҳа ва макет нусхаси ҳам тайёр. Аллоҳ хоҳласа, кўпчиликнинг дуоси ва ғайрати билан ишлар ҳам бошланиб қолар.

